№ 11-12, 2011

Биржа Эксперт

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ МОЛИЯ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ИЛМИЙ АМАЛИЁТ



УШБУ СОН МАВЗУСИ:

Банклар фаолиятида маркетинг аҳамияти

10

ТЕМА НОМЕРА:

Перспективные направления подготовки специалистов инновационного профиля

48

ПРИВАТИЗАЦИЯ ФИНАНСЫ ЦЕННЫЕ БУМАГИ НАУЧНАЯ ПРАКТИКА

6 Ўзбекистон миллий иқтисодиётида оила хўжаликларининг функциялари

27 Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва такомиллаштиришда аграр секторнинг аҳамияти

42 Потенциал и возможности микрострахования для субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства

56 Опыт лицензирования строительной деятельности в Узбекистане

ВНИМАНИЕ!

Согласно постановлению Президиума Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан №163/5 от 25 марта 2010 года журнал «Биржа-Эксперт» внесен в реестр научных изданий Высшей аттестационной комиссии для докторских диссертации.

Мундарижа

Ғазначилик
М. Парманкулова. Бюджетнинг ғазна ижроси самарадорлигини оширишда давлат хариди тизимини ислоҳ этиш **3**

Вазиятга назар
Ш. Бадалов. Ўзбекистон миллий иқтисодиётида оила хўжаликларининг функциялари **6**

Молия
А. Азларова. Банклар фаолиятида маркетинг аҳамияти **10**

Таққос ва таҳлил
М. Тарикулов. Сайёҳлик хизматлари истеъмолчисига бошқарув йўли билан таъсир кўрсатиш маркетинги **12**

Жараён
М. Мирзакаримова. Бандликка кўмаклашиш марказларининг ишсизларни касбга ўқитиш тизимини такомиллаштириш **16**

Таҳлил
Г. Алимова, А. Ишмуҳамедов. Ижтимоий соҳа модернизациясининг назарий жиҳатлари **19**

Соҳа тараққиёти
С. Хамраева. Қишлоқ инфратузилмасини инновацион ривожлантириш даражасини баҳолашнинг услубий асосларини такомиллаштириш **22**

Модернизация
Ш. Ходжаева. Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва такомиллаштиришда аграр секторнинг аҳамияти **27**

Бозор тамойиллари
Р. Эргашев, А. Равшанов. Фермер хўжаликларини ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш омиллари **31**

Биржа Эксперт

Содержание

Развитие
Ш. Маджидов, Б. Хакимов. Об эффективности малых шелковых предприятий **35**

Финансы
Б. Калмуратов. Государственное регулирование инновационных процессов и основные принципы реализации инновационной политики региона в условиях глобализации экономики **38**

Аналитика
Т. Агламова, Б. Агламов. Потенциал и возможности микрострахования для субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства **42**

Банковский сектор
К. Мухамеджанов. Качество управления и уровень риска в банках **46**

Кадровая политика
Ф. Заирова. Перспективные направления подготовки специалистов инновационного профиля **48**

Маркетинг
Н. Мурадова. Маркетинговые задачи лизинговых компаний **53**

Строительство
А. Суюнов. Опыт лицензирования строительной деятельности в Узбекистане **56**

Агросектор
Б. Сеилбеков. Регулирование экономических отношений в аграрной сфере региона **58**

Биржа Эксперт

ИҚТИСОДИЙ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ОЙЛИК НАШР

ЭКОНОМИЧЕСКИЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

ТАҲРИР КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

ТАҲРИР КЕНГАШИ РАИСИ | ПРЕДСЕДАТЕЛЬ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА

Қаландар АБДУРАҲМОНОВ
иқтисод фанлари доктори, профессор, РТФА академиги
доктор экономических наук, профессор, академик РАЕН

ТАҲРИР КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ | ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА

Абдураҳим ВАҲОБОВ
иқтисод фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Дилфуза РАҲИМОВА
иқтисод фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Баҳодир ХОДИЕВ
иқтисод фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Алишер ВАҲОБОВ
иқтисод фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Шуҳрат ЮЛДАШЕВ
иқтисод фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Зайниддин ХУДОЙБЕРДИЕВ
иқтисод фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Эркин ГАДОЕВ
иқтисод фанлари номзоди, доцент
кандидат экономических наук, доцент

Шарофиддин ҲАЙДАРОВ
иқтисод фанлари номзоди, доцент
кандидат экономических наук, доцент

Аҳтам ДАЛИЕВ
иқтисод фанлари номзоди
кандидат экономических наук

Бюджетнинг ғазна ижроси самарадорлигини оширишда давлат хариди тизимини ислоҳ этиш

Дунёдаги кўплаб мамлакатлар сингари Ўзбекистон Республикасида давлат хариди тизимини ислоҳ этишга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳукумат томонидан харид жараёнларини очиқ-ойдинлигини таъминлашга қаратилган, жумладан, харидни амалга оширишда тендер жараёнларидан кенгроқ фойдаланиш йўналишлари бўйича қатор ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Президент Ислом Каримов ўз маърузасида "…кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кредитлар, хом ашё ресурслари, шунингдек, давлат харидлари тизимидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш зарур. 2011 йилда Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигига махсус квоталар ажратиш орқали кичик бизнеснинг давлат харидлари тизимидан фойдаланишини кенгайтириш борасида алоҳида механизмни ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш, кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни харид қилиш, кўрсатилаётган иш ва хизматларга доир давлат буюртмаларини жойлаштириш бўйича очиқ электрон тизимни босқичма-босқич жорий этиш вазифалари топширилади."[1] – дея таъкидлади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган мақсад, нафақат давлат маблағларидан фойдаланишнинг самарали ҳисоб ва назоратини ташкил этиш, балки давлат буюртмачиларининг шартномавий-ҳуқуқий тартибга риоя этиш даражасини ошириш ҳам кўзда тутилган.

Давлат бюджетининг Ғазна ижросига ўтилишини, бюджет тизимида изчил амалга оширилаётган муҳим институционал ўзгаришлар сифатида кўрсатиш мумкин.

Давлат харидини ташкил этиш бўйича мутлақо янги тамойилларга асосланган тизим шакллантирилмоқда ва табиий равишда, бу соҳада ўз ечимини кутаётган қатор мавжуд муаммоларни кўрсатиш мумкин, жумладан:

– Давлат харидини амалга оширишнинг мавжуд тизими республика миқёсида давлат эҳтиёжлари учун товарлар ва хизматларни сотиб олиш учун қилинадиган харажатларни оптималлаштириш имконини бермайди;

– Меъёрий-ҳуқуқий базани етарли даражада ривожланмаганлиги, яъни айни пайтда Ўзбекистон Республикасида давлат харидлари тўғрисида қонун қабул қилинмаганлиги;

– Давлат харидини амалга оширувчи ва унинг назоратини таъминловчи малакали кадрларнинг етишмаслиги;

– Харид тизимини ҳамда унинг механизмларини очиқ-ойдин эмаслиги ва бошқалар.

Давлат харидларини амалга оширишда ғазначилик тизимининг ўрни давлат сиёсатининг устувор йўналишларига мос ҳолда давлат харажатларини самарали бошқаришга йўналтирилган ташкилий-ҳуқуқий муносабатлардан ташкил топади. Ушбу муносабатлар ғазначилик тизимида давлат харидларини амалга оширишда бир қатор муаммоларини мавжудлиги, давлат харидларини амалга оширишда ғазначилик тизимидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришни тақозо этади.

Давлат харидларини амалга оширишда ғазначилик тизимидан фойдаланишни кенгайтириш борасида алоҳида механизм ишлаб чиқилиши ва амалда қўлланилиши, кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни харид қилиш, кўрсатилаётган иш ва хизматларга доир давлат буюртмаларини жойлаштириш бўйича очиқ электрон тизимини босқичма-босқич жорий этилиши Давлат бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишга эришилади.


Давлат хариди тизимини ислоҳ этиш комплекс ёндашувни талаб этади. Ислоҳотлар фақатгина махсус қарорлар қабул қилиш ва давлат хариди бўйича ваколатли агентликни ташкил этиш билан чегараланиб қолмасдан, балки турли давлат органлари ўртасида ҳамкорликда ҳаракатни йўлга қўйиш, улар ўртасида ваколатларни тақсимлаш, тизимда кучлар нисбати тенглигини таъминловчи ўз-ўзини бошқариш механизмларининг шакллантиришини талаб этади.

Давлат эҳтиёжлари учун харидни амалга ошириш механизмининг самарали бўлиши, кўп жиҳатдан, давлат хариди учун қарор қабул қилаётган давлат хизматчиларининг квалификация даражаси, профессионал тайёргарлиги ва ҳаққонийлигига боғлиқ. Кўпгина давлатларда давлат хариди билан шуғулланадиган ходимларни тайёрлаш ва улар малакасини ошириш бевосита ҳукуматнинг зиммасига юклатилган вазифа ҳисобланади.


Ўзбекистон Республикаси томонидан юқоридаги кўрсатилган йўналишлардаги камчиликларни бартараф этишга катта эътибор қаратилмоқда ва давлат харидини амалга оширишда иштирок этувчи бошқа субъектлар иштирокида, давлат хариди жараёнининг механизмларини ҳамда унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича фаол иш олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджетининг ғазначилик ижроси шароитида давлат харидларини амалга ошириш жараёнларининг механизмини амалиётга киритиш бугунги кунда

1-расм. Тузилган электрон битимларнинг ўртача нархи (минг сўм)



2-расм. 2011 йил апрель-декабрь ойларида электрон савдо натижаларига кўра иқтисод қилинган маблағлар



Жами иқтисод қилинган 21918,2 млн. сўм

бюджет ислоҳотларининг йирик йўналишларидан бири ҳисобланади.

2012 йилнинг 1 январидан 30 июнигача бўлган муддатга кичик бизнес субъектлари томонидан амалга ошириладиган харидлар бўйича товарлар (иш, хизмат) гуруҳига ўрнатилган энг кам улушлар (квота) миқдори тасдиқланди.

2012 йилнинг 1 январидан 30 июнигача бўлган муддатга ЎзРТХБ ташкил этадиган электрон савдолари орқали амалга ошириладиган, бир шартнома суммаси 300 АҚШ долларидан 100 минг АҚШ доллари эквивалентигача бўлган давлат харидлари бўйича алоҳида товарлар (иш, хизмат) рўйхати тасдиқланди.

Давлат харидларини амалга оширишда марказлашган манбалар рўйхати тасдиқланди.


Ўзбекистонда ижтимоий соҳаларга инвестициялар ва давлат хариди мавжуд қонуний-меъёрий актлар орқали тартибга солинади.

Давлат молиясини ислоҳ этиш бўйича амалга оширилаётган ўзгаришларнинг таркибий қисми сифатида, давлат харидини ташкил этишни тубдан ислоҳ этиш, уни тартибга солувчи ҳуқуқий базани шакллантириш, давлат харажатлари самарадорлигини оширишнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Ўзбекистонда давлат харидининг ҳажми ЯИМнинг 11 фоизини ташкил этгани ҳолда, уни иқтисодий ўсишга таъсир этувчи муҳим омил эканлигини кўрсатади[2]. Давлат хариди ЯИМни шаклланишига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Шуни инобатга олиб, давлат харидини амалга ошириш соҳасида олиб борилган оқилона сиёсат макроиқтисодий сиёсатга жиддий таъсир этувчи инструмент сифатида юзага чиқади.

Давлат харидини иқтисодиётнинг маълум соҳаларида амалга ошириш орқали, ўша соҳалар ри-

3-расм. 2011 йил апрель-декабрь ойларида бекор қилинган электрон савдолар (суммаси)



Жами бекор қилинган электрон савдолар суммаси 45970 минг сўм

вожига ва аҳоли бандлиги ҳамда даромадлари даражасига ижобий таъсир этади. Жумладан:

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган товар ҳамда хизматларни сотиб олишда танлов жараёнларини жорий этиш орқали, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга таъсир этиши мумкин;

– сотиб олинаётган товарларнинг сифат талабини халқаро андоза талабларига тенглаштириш орқали, миллий ишлаб чиқарувчи корхоналар маҳсулот сифатини оширишга таъсир этиши мумкин;

– очиқ тендер савдоларни эълон қилиш рақобатни ривожлантиришга таъсир этади.

Юқорида санаб ўтилган ҳолатларда фақатгина мамлакат даражасида давлат харидини бошқаришнинг самарали механизмлари мавжуд бўлган шароитда, яъни харидни режалаштириш ва унинг иқтисодиётга таъсирини баҳолаш орқали эришиш мумкин.

Ўзбекистон ҳукумати давлат хариди инструментидан турли кўринишларда фойдаланиб келмоқда. Масалан, ўрта махсус таълим тизимидаги ислоҳотлар нафақат ўқув бинолари сонини ортишига олиб келди, балки республикада капитал қурилиш соҳасининг ривожига катта туртки берди. 2000 йиллар бошида қурилиш компаниялари ночор аҳволда бўлган бўлсалар, ҳозир улар қурилиш-монтаж ва лойиҳаларнинг турли-туманлиги ва сифат бўйича хорижий компаниялар билан рақобат қила оладилар. Шунинг билан бир вақтда, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган қурилиш материалларининг турлари ҳам кенгайди. Капитал қурилиш соҳасига давлат буюртмаси аҳоли бандлигини оширишда ҳам муҳим роль ўйнайди. Худди шундай мисолларни қолган саноат ишлаб чиқариш тармоқларида ҳам келтириб ўтиш мумкин.

М.ПАРМАНКУЛОВА,
Тошкент молия институти тадқиқотчиси.

[1] Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси., "Халқ сўзи", 2011 йил 22 январь, №16 (5183).

[2] О проблемах управления государственными закупками в Республике Узбекистан и направлениях совершенствования. Аналитическая записка. UNDP. Ташкент-2008. 3-стр.

Ўзбекистон миллий иқтисодиётида оила хўжаликларининг функциялари



Ҳозирги Ўзбекистон иқтисодиёти табиатан тартибланиб турувчи ва аниқ социал йўналишга эга бўлган бозор иқтисодиётидир. У кўп субъектли бўлиб, унинг асосий иштирокчилари уй хўжаликлари, фирмалар ва давлат идора ҳамда ташкилотларидан иборат. Улар орасида энг кўпчиликни уй хўжаликлари ташкил этади, уларнинг сони ҳозир тахминан 6 млн.га етади. Уй хўжаликларининг асосий қисми оила хўжаликлари бўлса, қолган қисми оиласизлар хўжалигидир. Оила хўжалиги қон-қариндошчилик ришталари билан ўзаро боғланган, иқтисодий манфаати, даромади, харажати, истеъмоли ва турар жойи умумий кишиларнинг кичик гуруҳидир. У миллий иқтисодиётда фирмалар, давлат идора ташкилотлари билан алоқа ўрнатадики, бу моҳиятан бозор алоқалари ҳисобланади, яъни бозор қонун-қоидаларига биноан амалга ошади. Бу уларнинг миллий иқтисодиёт иштирокчиси сифатида тавсифлайди.

Оила хўжаликлари миллий иқтисодиётда истеъмолчилик, ресурс етказиб бериш, ишлаб чиқариш ва инвесторлик функцияларини бажаради. Улар яратилган товар ва хизматларнинг асосий қисмини истеъмол этадилар. Бундан мақсад ўз эҳтиёжини қондиришдир. Бу мақсадга бозор орқали эришилади, чунки улар истеъмоли товар истеъмолидаги ўзга нарса эмас. Истеъмол ҳажми ва таркибини харид қурби белгилайди, бу ўз навбатида пул даромадлари миқдори ва товарлар нархига боғлиқдир. Ўзбекистон иқтисодиётининг кейинги пайтда барқарор ва тез ривожланиши аҳоли харид қурбини ўсишига олиб келди. (1-жадвал)

Харид фонди даромадларнинг ўсиши ва уларни тақсимлаш натижаси бўла туриб, хўжаликлар истеъмолчилигини асоси ҳисобланади. Бироқ реал харид қурби ўз-ўзидан эмас, балки керакли товар ва хизматлар билан таъминлангандагина истеъмолга хизмат қилиши мумкин. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда тўйинган миллий бозор яратилдики, бунга ўз ишлаб чиқаришини жадал ўстириш орқали эришилди. Товарлар мўлкўллиги ўтмишдан меросга қолган сурункали товар дефицитига чек қўйди, натижада оилалар топган пулига қараб товар ва хизматларни эркин танлаб олиш имконига эришдилар. Рақобатли бозорда истеъмолчи устуворликка эга бўлиб, ўзига керакли товарларни муқобил танлов қоидасига биноан харид этиш, харид қурби чегарасида ўзларининг истеъмолни максималлаштирувчи тўпламини ҳосил этиш мумкин бўлди. Натижада оилалар истеъмоли муттасил ошиб борди. (1-чизма)

Оила истеъмоли фақат унинг ўзи учун эмас, балки миллий иқтисодиёт учун хам аҳамиятлики, бу ишлаб чиқариш учун бозор яратиш, товар ва хизматларни ўз вақтида сотилиши ва ишлаб чиқаришни узлуксиз такрорланиб туришини таъминлайди. Ўзбекистон ЯИМ нинг 2/3 қисмининг реализациясини оилалар истеъмоли таъминлайди. Миллий бозорнинг кенгайиб бориши оилалар истеъмолини ўсиши билан бевосита боғлиқ бўлиб,

бу иқтисодий ўсишнинг шарти ҳисобланади. Оилалар харид қурби жами талабни шакллантиради, уни қондириш учун эса ишлаб чиқариш ўсиши зарур бўлади. Оилалар талаби жами талаб индикаторларининг асосида ётади, кейинги пайтда уни жадал ўсиши кузатилади: 2000 – 103.8,

2005 – 106.5, 2006 – 107.5, 2007 – 104.3, 2008 – 111.6, 2009 – 110.2, 2010 – 112.7 ҳозир олдингига нисбатан аҳоли талабининг ўсиши деярли 4 марта тезлашган, бу миллий бозорни кенгайтириб, иқтисодий ўсишни барқарор жадаллаштиради.

Оила истеъмолининг яна бир муҳим жиҳати уни жами иш кучини такроран яратишдирки, бу иқтисодиётдаги инсон капитали сифатида хизмат қилади. Унинг миқдори ва сифати иқтисодий ўсишнинг асосий омилидир. Оилаларнинг истеъмол харажатлари ҳисобидан инсон капиталини дастлабки жамғариши юз берадики, бу болаларни вояга етказиш харажатларидир. Булар оиладаги болаларни сони ва ёшига қараб ўзгариб туради. (2-жадвал)


Жадвал маълумотларига назар ташласак хўжаликларни инсон капиталини дастлабки жамғарилишига сарфлаган маблағларини кўпайиб борганини кўрамиз. Буларни жами истеъмоли сарфлари билан таққосласак, уларни 2000 й. – 34,6 фоиз, 2005 й. – 32,4 фоиз ва ниҳоят 2010 й. – 30,0 фоиз бўлишини кўрамиз. Бу ҳиссани камайиб бориши болалар сонини қисқариши ва уларни ёш жиҳатдан таркибини ўзгариши билан изоҳланади.

Ҳозирги модернизация йўли билан инновацион ишлаб чиқаришга ўтилиши юксак интеллектуал қобилият талаб қилади. Унга эришишда оила хўжаликлари ҳам фаол иштирок этишлари лозим. Бунинг учун элитар, лекин хусусий олий таълимни янги технологиялар соҳасида кенгайтириш керак бўлади, чунки ўзига тўқ ва пулдор оилаларни кўпайиб бориши таълим хизматларига талабни оширади. Бундай оилалар ҳозир барча

1-жадвал. Ўзбекистон уй хўжаликларида харид фондининг номинал қиймати

№	Кўрсаткичлар	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
1.	Уй хўжаликларини ялпи харид фонди млрд. сўм	7123,6	9421,3	12307,3	16062,7	22025,2	28036,0
2.	Бир уй хўжалигига ҳисобланган харид, фонди млн.сўм	1,5	1,9	2,4	3,1	4,1	5,3
3.	Хўжаликда бир кишига ҳисобланган харид фонди, минг сўм	272,7	345,0	452,8	584,9	788,4	1019,2

1-чизма. Ўзбекистонда жон бошига хўжаликлар истеъмолининг ҳажми (валюталар харид паритетига биноан АҚШ долларида)



оилаларнинг 18 фоизини ташкил этгани ҳолда аҳоли пул даромадларининг 36-40 фоизи улар қўлида тўпланади. Бу элитар социал хизматларга катта талаб чақиради, албатта. Аммо даромади ўртача ёки кам оилалар ҳам борки, у ердаги иқтидорли ёшлардан юксак технологиялар соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш учун махсус фонд ташкил этиш (давлат, иш берувчилар ва ҳомийлар ҳисобидан) ва таълим кредитини аҳоли учун қулай қилиб кенгайтириш лозим бўлади. Бу модернизация шароитида технологик даражаси ошиб бораётган моддий капиталга инсон капиталини мослаштириш йўли билан меҳнат унумдорлигини ошириш зарурлигидан келиб чиқади. Кейинги пайтда Ўзбекистон миллий иқтисодиётдаги меҳнат унумдорлигининг ўсиши анча жадаллашди. Бироқ унинг умумий даражаси етарли эмас, шу боис ишлаб чиқаришнинг меҳнат сиғими, материал ва энергия сиғими анча катта. Ҳамма чоралар билан мамлакат интеллектуал салоҳиятини ошириш айтилган нуқсонларни бартараф этиши мумкин.

Оила хўжаликларининг ишлаб чиқариш функцияси ҳам бор, бу уларни ЯИМни яратишда бевосита иштирокини билдиради. Бу ердаги ишлаб чиқариш ўз ресурслари билан ўз эҳтиёжини қондиришга қаратилган майда товар-натурал ишлаб чиқариш бўлиб, унга деҳқон-томорқа хўжалиги, якка меҳнат фаолияти, уй-рўзғорда юмушларни бажариш кирали. У индивидуал тарзда бўладиган, тарқоқ ва якка қўлами кичик технологик даражаси ва шунга биноан меҳнат унумдорлиги паст бўлган

ишлаб чиқаришдир, лекин у аҳоли ўзини-ўзи иш билан банд қилишда муҳим роль ўйнайди, ЯИМ яратишга ўз ҳиссасини қўшади. Бироқ уй-рўзғор юмушлари натижасида яратилган маҳсулотлар ва ўз-ўзига хизмат кўрсатиш пул-қиймат шаклида баҳоланиб ЯИМ таркибига қўшилмайди. Бу юмушларга сарфланган вақтга қараб уни 1 разрядли иш ҳақи асосида баҳолаш мумкин. Бизни аниқлашимизча, уй-рўзғордаги юмушлар йилига (2010 ҳисобида) 7 трлн. сўмлик маҳсулот ва хизматлар яратади. Бу ҳисобга олинса, ЯИМни реал хажми тўғри баҳоланади, чунки, Ўзбекистон оила хўжаликларидан ташқаридаги бандлик тўла бўлмаганидан, оиланинг юмушлари билан бандлигининг салмоғи каттадир. Оила хўжаликларининг ишлаб чиқариш функцияси деҳқон-томорқа хўжалиги ва якка мехнат фаолияти доирасида кечади, булар табиатан индивидуал ва ғоят тарқоқ ишлаб чиқаришдир. Деҳқон-томорқа хўжалиги техникавий даражаси паст лекин оиланинг интенсив мехнатга таянувчи майда товар хўжалиги бўлиб, маҳсулотнинг бир қисми натурал маҳсулот шаклига эга. Бу хўжаликлар ўзини ўзи иш билан банд қилишади ва озиқ-овқат маҳсулотларини яратиб миллий бозорга етказиб беришда катта роль ўйнайди. Улар Ўзбекистон ЯИМнинг 11 фоизини яратади.



Оила хўжаликларининг миллий иқтисод ривожига қўшадиган ҳиссасини орттириш деҳқон-томорқа хўжаликларининг мустақил ассоциациясини тузиш лозимки, бу уларга бозор конъюнктураси ҳақида тўла ахборот бериш орқали уларни сердаромад маҳсулотларни етказишларига ёрдам беради, уларни ноаниқлик ҳосил этувчи бозор рискидан ҳимоялайди, уларга хос стихияликни чеклайди, уларни четдан туриб тартиблаш имконини беради. Оилавий ишлаб чиқаришнинг муҳим қисми якка мехнат фаолияти бўлиб, у бандликни оширишнинг муҳим омили ҳисобланади. Ҳозир бу соҳада барча банд кишиларнинг 41.5 фоизи ишлайди. Бу ерда ҳам индивидуал товар ишлаб чиқариш мавжуддир, унинг ЯИМ ишлаб чиқаришдаги салмоғи ўсишига мойил. Бизнинг аниқлашимизча, якка меҳнат оилалар даромадининг 12 фоизга яқин қисмини беради. Якка меҳнат фаолияти самарасини ошириш учун янада арзон кредит бериш, солиқлардан сийлов бериш, мини-технологиялар лизингини ташкил этиш, уларни бозорда кутилаётган ўзгаришлардан хабардор қилиш лозим. Якка меҳнат фаолияти статистикасини ҳам мустақил ўтказиш лозим. Ҳозир унинг пировард натижалари тардбиркорлик натижаларига қўшиб берилади, бунинг оқибатида оила хўжалиги нима яратгани номаълумлигича қолади. Бу эса оилаларнинг ЯИМ яратишдаги иштирокини баҳолашга халақит беради. Хозир оилавий ишлаб чиқаришнинг барча турларини ўсиши кузатилади, натижада уларнинг иқтисодий ўсишга қўшган хиссаси ортиб боради. Бизни аниқлашимизча, у ЯИМни 33.4 фоизини беради. Шуни ҳисобга олиб оилавий ишлаб чиқариш секторини ҳамма томонлама қўллаб-қувватлаб туриш талаб қилинади.

Оила хўжалигининг жамғариш,

2-жадвал. Ўзбекистон оила хўжаликларининг болаларни вояга етказиш харажатлари

	2000 й.	2005 й.	2010 й.
1. 0-4 ёшли болалар сони, минг нафар	2742,0	2570,5	2833,0
2. Болаларни боқиб катта қилиш	0,927	2812,1	1134,4
3. 5-9 ёшли болалар сони, минг нафар	3,273	2759,6	2534,0
4. Болаларни боқиб катта қилиш харажатлари, млн. сўм	1630,0	4528,5	1525,0
5. 10-14 ёшли болалар сони, минг нафар	3184,1	3244,6	2478,0
6. Болаларни боқиб катта қилиш харажатлари, млн. сўм	2114,2	7099,2	2384,8
7. 15-19 ёшли ёшлар сони, минг нафар	2761,2	3144,2	3425,8
8. Уларни боқиб катта қилиш харажатлари, млн. сўм	6963	23039,2	8466,2

ҳосил этиш ва уни инвестицияга юборишдек функцияси ҳам бор. Жамғариш оила жорий даромадининг бир қисмини келажак харажатларини қоплаш учун тўпланиб боришидир. Жамғариш юз бериши учун даромадлар истеъмол сарфларидан ортиб қолиши шарт, лекин жамғариш учун мативлар ҳам бўлиши талаб қилинади. Асосий матив келажакни пул билан таъминлаш бўлиб, бу қимматбаҳо товар ва хизматларни харид этиш, пулни капитализациялаш, уни меросга қолдириш, қариликни таъминлашдан иборатдир. Булар амал қилиши учун жамғариш, инфляция рискидан ҳимоя қилиниши, унинг ликвидлиги сақланиши талаб қилинади. Ўзбекистон уй хўжаликлари пул даромадларини истеъмол сарфидан муттасил ортиб қолиши, пулни хавф-хатарсиз сақлаш ва ундан даромад топиш имкониятларини кенгайиши жамғаришга мойилликни кучайтиради. Буни қуйидаги рақамлардан кўриш мумкин. (3-жадвал)

3-жадвал. Ўзбекистон оила хўжаликларидан жамғариш нормаси ва таркиби

№	Жамғариш	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
1.	Жамғариш миқдори	2475,1	3370,3	4471,7	6486,7	8983,4
2.	Жамғариш нормаси (фоизда, ихтиёрга келган даромадга нисбатан)	20,7	21,6	21,4	23,0	23,9
3.	Тартибли жамғариш А) млрд.сўм Б) ҳиссаси фоизда	 2143,9 86,6	 3068,5 91,0	 3890,4 87,7	 5667,7 87,3	 8174,0 91,0
4.	Тартибсиз жамғариш А) млрд. сўм Б) ҳиссаси	 331,2 13,4	 301,8 9,0	 581,3 12,3	 804,3 12,7	 809,4 9,0

Жамғариш ўсгани ҳолда унинг таркиби такомиллашиб борди. Бу тартибли, яъни молия институтлари иштирокидаги жамғармалар ҳиссаси ортгани ҳолда тартибсиз, яъни оиланинг ўзида бўладиган ва пул қолдиғини ҳосил этувчи жамғармалар ҳиссанинг камайиб боришидан иборатдир. Бироқ ҳанузгача пул қолдиғини ўстирувчи жамғармалар оз эмас. Бу пул биринчидан бозорда янги инфляция босимини ҳосил этади, иккинчидан яширин иқтисодиётга хизмат қилади. Бу пулни банкдан ташқари оборотдан чиқариш учун яширин фаолиятни иқтисодиётдаги ҳиссасини чеклаб бориш ва молия институтларига пул етказишни манфаатли қилиш лозим. Бунинг учун аҳолининг ортиқча пулини фонд бозорига тортиш ва банкларга жалб этиш зарур бўлади. Оилалар фонд бозорининг ҳолати ҳақида етарлича ахборотга эга бўлишлари маъқул. Банкларни аҳоли омонатлари учун тўлайдиган фоизлари ўта табақалашган бўлиши лозим. Ҳозирчалик муҳлатли депозитлар учун фоиз тўловлари бир-бирига жуда яқин бўлиб омонатчилар фоиз даражасига қараб банкларни танлашга камдан-кам интиладилар. Шу боис фоиз даражаси анча чуқур дифференциялашуви лозим. Муҳими, банклар хизмати яхшиланиб, аҳолининг ундан фойдаланиш вақти тежалиши лозим, айниқса, бу йирик омонатчилар учун муҳимдир.

Оила жамғармалари иқтисодиётда истеъмолчилик, инвестицион ва кредит функцияларини бажаради. Истеъмолчилик функция қимматбаҳо товарлар (уй-жой, автомашина таълим ва даволаниш хизматлари) олиш учун жамғармаларни вақти келганда сарфланишидир. Инвестиция функцияси жамғаришни даромад топиш учун юборилиши бўлиб, бу биринчидан банкларга пул қўйиш, қимматли қоғозларни сотиб олишни билдиради. Кредит функцияси оилаларни бир-биридан қарз кўтариш, аҳоли омонатларини банкларнинг кредит ресурсига айланиши шаклида ҳам юз беради. Оила жамғармалари бевосита унинг ўзида ҳам инвестицияланади. Бунда улар деҳқонтоморқа хўжалиги ва якка меҳнат соҳасидаги асосий ва айланма фондларни ўстиришга ва якка тартибда уй-жой қурилишига юборилади. Улар бозордан ресурсларни харид этиш орқали моддий капитални ўсишига хизмат қилади. Қандай усулда инвестицияга айланишидан қатъи назар оила жамғармаларининг миллий жамғаришдаги ҳиссасини ортиши кузатилади. Булар инвестицияга айланиб, миллий иқтисодиётни ривожланишига катта ҳисса қўшади.

Шарифбой БАДАЛОВ,
Тошкент Молия институти
тадқиқотчиси.

Банклар фаолиятида маркетинг аҳамияти



Муваффақиятга интилаётган ҳар бир банк муассасаси учун маркетинг тадқиқотлари, унинг маркетинг фаолиятидаги исталган босқичнинг дебочаси ёхуд мантиқий якуни сифатида тутган ўрни беқиёс. Маркетинг тадқиқотлари банкларнинг янада такомиллашувида, хизмат кўрсатиш кўламларини оширишда, сифат жиҳатидан янги босқичларга кўтарилишида, мавжуд имкониятларни самарали тақсимлашда муҳим аҳамиятга эга. Қуйида Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган банкларнинг маркетинг фаолиятини таҳлил қилишга уринамиз.

Маълумки, бозор муносабатлари энг биринчи навбатда, банк тизимларининг шаклланишига боғлиқ. Банк тизимининг роли эса кўп жиҳатдан ушбу соҳа маркетинги ривожланишига боғлиқ тарзда аниқлаштирилиб, банкларнинг ўзаро муносабатлари, қолаверса мижозлар, банк хизматлари бозорининг шаклланишига мос тарзда шаклланади. Банклар маркетинги – бу менежментнинг ажралмас қисми саналиб, бу шу соҳага оид бозорни чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш ва қарорлар қабул қилиш демакдир. Банк маркетингини маркетингнинг алоҳида бир шакли сифатида кўриб чиқиш, тижорат банкларига мос муҳитда ишлаш жараёни, банклар мижозлар талабини таҳлил этган ҳолда уларга мос манфаатли иш услубини танлаши нуқтаи назаридан талқин этиш мақсадга мувофиқ.

Банк маркетингидан мақсад шуки, капитал бозорида зарурий шароит яратиш, бозорни ўрганган ҳолда тизимга янгиликлар жорий этиш, қолаверса, рақобатбардошлик ва фойдалиликни оширишдан иборат. Замонавий банк маркетингига яна банкни стратегик ривожлантирувчи, соҳага доир қўшимча ахборотларни жамловчи ва аниқ таҳлил этишга жалб этилган бўлинма ҳам киради.

Республикамизда муваффақиятли фаолият юритиб, халқаро экспертлар томонидан нуфузли мақомларга эришиб келаётган "Халқ банки", "Асакабанк", "Ипотека-банк", "Турон банк" ва яна бир қатор етакчи банкларни мисол қилиб келтиришимиз мумкинки, бугун улар маркетингни чуқур ўзлаштирганлари туфайли, мизожлар эътирофига ҳақли равишда сазовор бўлмоқдалар. Бу жиҳат уларнинг мижозлари сони кескин кўпаяётганида, хизмат кўрсатиш сифати тобора ошиб, кредит ажратиш тизимидаги янгиликлар, соҳага турли янгиликлар жорий этилаётганликларида ҳам яққол сезилади.

Тижорат банкларига маркетингнинг татбиқ этилиши банк фаолиятининг таваккалчилигини камайтириб, маблағларини кўпайтиришга таъсир кўрсатади. Негаки, банк фаолиятида энг муҳим шартлардан бири бу – капиталдан оқилона фойдаланиш, актив ва пассивлар билан ишлаш самарадорлигини оширишдан иборатдир.

Сўнгги вақтларда мамлакатимизнинг тижорат банклари ўз фаолиятини ташкил этиш мақсадида ва мижозлар билан ишларни юритиш учун маркетингни кенг

қўлламоқдалар. Маркетинг ёрдамида ҳар бир мижознинг имкониятлари, бозордаги ҳолат, хўжалик истиқболлари ўрганилмоқда.

Маҳсулот ва хизматларни сотиш – исталган корхона фаолиятининг энг муҳим босқичидир. Тижорат фаолиятининг бир тури ҳисобланган банк иши ҳам бундан мустасно эмас.

Банк раҳбариятининг оқилона сиёсати ва барча хизматларининг фаолияти – мижозларни жалб этиш, хизматлар доирасини кенгайтириш, бозорни эгаллаш ва олинаётган фойдани кўпайтиришдан иборат. Шу муносабат билан банк маркетинг фаолиятининг аҳамияти ортади, унинг моҳияти ва мақсадлари эса молия бозорларидаги кескин кучаяётган рақобат ҳамда банк ва мижозлар ўртасидаги ўзгараётган муносабатлар таъсирида катта ўзгаришларга учрайди.

Ўзбекистонда банк маркетинги мавзуси, айниқса, долзарбдир. Бозор иқтисодиётига ўтилгани сари, банк амалиётини ривожлантириш ва мижозларга банк хизматини кўрсатишни такомиллаштириш муаммоси алоҳида долзарблик ва аҳамият касб этди. Шу муносабат билан маркетинг соҳасидаги эришилган янги ютуқларни, банк жараёнларини автоматлаштирувчи янги технологияларни татбиқ этиш орқали банкларнинг барқарорлиги ва рақобатбардошлигини оширишга оид янги ёндашувларни излаш муҳим ҳисобланади.

Маркетинг стратегиясида назарда тутилишича, банк нафақат ўз маҳсулотига, балки мижозларнинг реал эҳтиёжларига қараб иш тутади. Шунинг учун бозорни пухта ўрганиш, банк хизматлари истеъмолчилари эҳтиёжларини таҳлил этиш зарур. Банк хизматчиси молия маҳсулотининг бевосита сотувчисига айланади.

Маркетинг тадқиқотларини мунтазам ўтказиш изчил амалга оширилиб борувчи жараён бўлиб, ишлаб чиқаришни муайян истеъмолчиларнинг талабларига мослаштиришга қаратилган маркетинг фаолиятининг бир туридир. Маркетинг тадқиқотларининг натижалари режаларга тузатишлар киритиш ҳамда банкнинг жорий ишлаб чиқариш-сотув фаолияти учун қўлланади.

Банк бозори бўйича маркетинг тадқиқотини ўтказишнинг яна бир муҳим воситаси – прогнозлашдир. Унинг вазифалари – истеъмолчиларнинг айнан мана шу банк хизматларини харид килишга тайёрлигини баҳолаш, банкнинг хақиқий талабни шакллантириш бўйича тадбирларига истеъмолчиларнинг талабини прогнозлаш ҳамда конъюнктурадаги ўзгаришларни башорат қилишдир. Бу борада, анъанавий математик услублар асосида прогнозлаш ва прогнозларни танлаб олиш ва эксперт баҳоловлари асосида режани тузиш кенг қўлланилади. Маркетинг тадқиқотининг тузилиши унинг мақсад ва вазифалари билан белгиланади ва икки ўзаро боғлиқ қисмларнинг мавжудлигини назарда тутади, муайян бозорни тадқиқ этиш ва банкнинг ўз имкониятларини ўрганишдир.

Банк маҳсулотлари бозорини ўрганиш салоҳиятли истеъмолчиларнинг эҳтиёжлари, бозорда ўзаро рақобатлашаётган таклифлар, бозор субъектларининг фаолияти, реклама таҳлилини қамраб олади.

Ўзбекистоннинг тижорат банкларидаги маркетинг фаолияти бугун тикланиш ва такомиллашиш палласида турибди. Банк тизимининг фаол ривожланиши, янги банкларнинг очилиши ва нобанк молия ташкилотларини ташкил этилиши мамлакатнинг молия бозорида фаол рақобат муҳитини яратади. Шу важдан, банкларнинг мижоз учун курашларида янги банк маҳсулотларини яратиш бўйича қарорлар қабул қилишда тезкорлик биринчи ўринга чиқади.

Мамлакатимизда вужудга келган вазият банкларни ўрта ва узоқ муддатли маркетинг стратегияси асосида ўз фаолиятини мунтазам такомиллаштириб боришга ундайди. Рақобат курашида ютиб чиқиш учун банклар янги турдаги хизматларни амалиётга киритиши, ҳар бир мижоз учун курашиши, барча амалиётларнинг шаффофлиги ҳамда қонунийлигига риоя этишлари зарур.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда фаолият юритаётган банклар бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, маркетинг тадқиқотларига ижодий ёндошишмоқда, тадқиқот натижаларидан керакли хулосалар чиқариб, банк хизматларини янада кенгайтириб, сифат самарадорлигига эришишмоқда. Бу тенденция ҳар тарафлама ривожланиб бораётган банк фаолиятида, мижозлар учун яратилаётган банк хизматлари қулайликлари ва халқаро рейтинг агентликларининг юқори баҳоларига сазовор бўлаётганликларида ҳам кузатилмоқда.

Жумладан, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки фаолиятига назар солсак, у кредитлар ажратиш, мижозлар сони кўпайиши, пластик карточкалар сони ўсиши, қолаверса, хизмат турларининг сони жиҳатидан республикада етакчи мавқега эга банкдир. Биргина 2009-2011 йилларни мисол қилиб олсак, кредитлар бериш ҳажми 2009 йилдаги 300 млрд. сўмдан 600 млрд. сўмга ошгани, банк мижозлари сони 2009 йилдаги 2 миллиондан 2011 йили 3 миллионга етганини кўрамиз. Бугунги кунда банкнинг 90 дан зиёд филиали республика миқёсида самарали фаолият юритиб келмоқдаки, ушбу ютуқлар замирида бевосита банкнинг муваффақиятли маркетинг фаолияти мужассамдир.

Азиза АЗЛАРОВА.

Сайёҳлик хизматлари истеъмолчисига бошқарув йўли билан таъсир кўрсатиш маркетинги

Истеъмолчиларни уларнинг туристик фирмага бўлган муносабатига қараб сегментларга ажратиш моделини яратишнинг тартибга солинган таомили қуйидаги кўринишга эга.

Биринчи босқич – жинс, ёш, даромад каби ижтимоий-демографик белгиларга кўра сегментларга ажратиш.

Анкета сўровини ўзига хос гуруҳлаш истеъмолчиларнинг энг кўп сонли гуруҳларини аниқлаш учун барқарор алоқаларни, ажратилган белгиларнинг тартибга солинганлик даражасини аниқлаш имкониятини беради. Шундан келиб чиққанда, даромад даражаси 1000000 сўм ва ундан ортиқ бўлган I сегмент айниқса, кўп сонли ҳисобланади (тадқиқот учун олинган маълумотлар умумий ҳажмининг 75,6 фоизи). Бу сегментда сон жиҳатидан аёллар биринчи ўринда туради (57,8 фоиз), уларнинг кўпчилиги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи 30–39 ёшлилар гуруҳига киради (70 фоиз). Бу сегментда асосан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган эркаклар 42,2 фоизни ташкил этади, уларнинг кўпчилиги 30–39 ёшлилар гуруҳига киради (66 фоиз).

II сегментни даромад даражаси 500 000 – 1 000 000 сўм бўлган шахслар ташкил этадилар (тадқиқот учун олинган маълумотлар умумий ҳажмининг 21 фоизи). Бу ерда аёллар камроқ – 52 фоиз, улар 30–39 ёшлилар гуруҳига кирадилар (72 фоиз), уларнинг кўпчилигини хизматчилар (72 фоиз) ва тадбиркорлар (20 фоиз) ташкил этади. Бу сегментда эркаклар I сегментдагидан сал кўпроқ (48 фоиз).

III сегментни даромад даражаси 300000–500000 сўм бўлганлар ташкил этади (тадқиқот учун олинган маълумотлар умумий ҳажмининг 3,4 фоиз). Бу фирма мижозларининг энг кам сонли гуруҳи ҳисобланади. Аммо улар ҳам фирма хизматларидан мунтазам равишда фойдаланадилар. Ушбу гуруҳ 100 фоиз аёллардан ташкил топади, ёш жиҳатидан улар 19–29 ёшлилар (50 фоиз) ва 29–39 ёшлилар (50 фоиз) гуруҳларига кирадилар, уларнинг асосий қисмини талабалар ва хизматчилар ташкил этади.

Иккинчи босқич – фирма фаолияти турли кўрсаткичлари (маркетинг омиллари)нинг истеъмолчилар учун муҳимлик даражасидаги фарқларни аниқлаш. Даромад даражаси айниқса, паст бўлган учинчи сегментга хизматлар сифати, муддатларга риоя этилиши, хизмат кўрсатувчи ходимлар, хариддан қониқиш каби омиллар тенг даражада муҳимдир. Реклама омили бу гуруҳ учун муҳимлик жиҳатидан охирги ўринда туради.

Биринчи сегмент (даромад даражаси 1000000 сўмдан ортиқ) ва иккинчи сегмент (даромад даражаси 500000–1000000 сўм) истеъмолчилари хизматлар сифати, муддатларга риоя этилиши ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг компетентлигига энг муҳим омиллар сифатида қарайдилар. Хариддан қониқиш муҳимлик даражаси ўртача бўлган омил ҳисобланади. Реклама омили муҳимлик жиҳатидан охирги ўринда туради.

Аммо бу сегментларни қиёсий ўрганиш мазкур омиллар тегишли равишда учинчи, биринчи ва иккинчи сегментларнинг истеъмолчилари учун айниқса, муҳим эканлигини кўрсатади. Бу ҳолни шу билан изоҳлаш мумкинки, даромад даражаси 300000–500000 сўм бўлган истеъмолчилар юқорироқ сифатли хизматларни харид қиладилар ва бунда камроқ таваккал қиладилар, шунингдек, рекламани эътиборга олмайдилар, балки таваккалчилик даражасини пасайтиришга хизмат қилувчи "оғиздан-оғизга" коммуникация усулидан фойдаланадилар.

Биринчи ва иккинчи сегментларга келсак, даромад даражаси ошишига қараб, хизматлар сифатининг аҳамияти ҳам ошиб боради.

Учинчи босқич – ажратилган сегментларнинг фирма фаолияти, унинг рақиблари ва "идеал" фирма ҳақидаги фикрини аниқлаш. Бунинг учун истеъмолчиларнинг ижтимоий-демографик белгилари ва санаб ўтилган фирмаларнинг маркетинг омиллари ҳақида уларнинг фикри биргаликда таҳлил қилинди. Бунда қуйидаги натижалар олинди.

Биринчи сегмент учун энг муҳим кўрсаткичларга кўра "Давртур" фирмаси муддатларга риоя этилиши ва хариддан қониқиш омили жиҳатидан идеал билан мувофиқ келади. Хизматлар сифати идеалга яқин туради, ходимларнинг компетентлиги эса идеал билан мувофиқ келмайди. Иккинчи даражали кўрсаткичларга кўра нарх, иш тажрибаси жиҳатидан идеалга яқин туради. Хизматлар доираси жиҳатидан умидларни оқлайди. Реклама омилига кўра идеал билан мувофиқ келади. Чегирмалар ва ички муҳит омилига кўра идеалдан оқсайди.

Рақобатдош фирмалар – "Сайрам" ва "Asia Travel"га уларнинг вақтинчалик мижозлари нуқтаи назаридан берилган баҳолар "Давртур" туристик фирмасига берилган баҳолардан пастроқ. Шу туфайли ҳам улар рақобатдош фирмаларнинг доимий мижозларига айланмайдилар. Рақиблар нарх ва муддатларга риоя этилиши омилларига кўра идеалга яқин турадилар.

Иккинчи сегмент учун идеалга мувофиқлик фақат бир муҳим кўрсаткич – муддатларга риоя этилиши бўйича қайд этилди. Иккинчи даражали кўрсаткичлар бўйича фирма хизматлар доира-

1-жадвал. Сегментларнинг харидни амалга ошириш ниятлари

Ниятлар	Сегментдаги истеъмолчилар сони, киши			Жами
	1 сегмент 1000000 сўм ва ундан ортиқ	2 сегмент 500000–1000000 сўм	3 сегмент 300000–500000 сўм	
"Давртур" фирмасида харидни амалга оширмоқчиман	81	20	4	105
"Давртур" фирмасида харидни амалга оширмоқчи эмасман	9	5	-	14

синиng кенглиги жиҳатидан идеал билан мувофиқ келади. Хариддан қониқиш, реклама ва нарх омилларига кўра фирма идеалга яқин туради. Чегирмалар идеал кўрсаткичлар билан мувофиқ келмайди. Истеъмолчиларнинг умидлари кутилганидан ҳам аъло даражада оқланиши ички муҳит ва иш тажрибаси омиллари бўйича кузатилади.

Рақобатдош фирма – "Asia Travel"га берилган баҳолар "Давртур" туристик фирмасига берилган баҳолардан анча паст. Бу истеъмолчининг хизматлардан қониқмаслигига ва унда рақибнинг доимий мижози бўлиш истаги йўқолишига олиб келади. Рақиб нарх, реклама, хизматлар доирасининг кенглиги, шунингдек, хизматлар сифати ва муддатларга риоя этилиши омилларига кўра мижозларнинг идеалига яқин туради.

Учинчи сегментда муҳим кўрсаткич – хариддан қониқиш идеал билан мувофиқ келади. Муддатларга риоя этилиши ва хизматлар сифати истеъмолчиларнинг умидларини кутилганидан ҳам аъло даражада оқлайди. Хизмат кўрсатувчи ходимларнинг компетентлиги даражасига кўра эса фирма идеал билан мувофиқ келмайди. Иккинчи даражали кўрсаткичларга кўра у хизматлар доирасининг кенглиги, реклама, иш тажрибаси, ички муҳит ва бонуслар жиҳатидан идеал билан мувофиқ келади. Мижозлар кутганидан баландроқ бўлган нархлар идеал билан мувофиқ келмайди.

Тўртинчи босқич – ажратилган сегментларнинг фирмага бўлган муносабатини аниқлаш. Кўрсатилган белгиларни ўзига хос гуруҳлаш қуйидаги натижаларни олиш имкониятини берди.

Истеъмолчиларнинг даромад даражаси қанча баланд бўлса, уларнинг фирмага нисбатан таъсирчанлик даражаси ҳам кучайиб боради.

Асабийлашиш биринчи сегмент мижозларининг 100 фоизига хосдир. Бу ходимларнинг компетентлик даражаси ва хизматлар сифатининг пастлиги билан изоҳланади. Иккинчи даражали кўрсаткичлар бўйича айрим истеъмолчиларда туғиладиган шунга ўхшаш туйғу, туристик маҳсулотлар нархларининг баландлиги ва чегирмаларнинг озлиги билан боғлиқ. Истеъмолчиларнинг фирмага бўлган муносабатига ундаги ички муҳитнинг идеалдан узоқлиги ҳам таъсир кўрсатади. Муддатларга риоя этилиши истеъмолчиларнинг аксариятида қониқиш ва қувонч ҳисларини уйғотади.

Иккинчи сегментнинг таъсирчанлик даражаси пастроқ. Асабийлашиш мижозларнинг 100 фоизида баъзи ҳоллардагина кузатилади. Бу ҳам ходимлар компетентлик даражасининг пастлиги билан изоҳланади. Боз устига айни шу омил идеал билан мувофиқ келмайди. Иккинчи даражали омилларга кўра сегментда баъзи ҳолларгагина хос бўлган асабийлашиш чегирмаларнинг озлиги ва хариддан қониқиш даражасининг пастлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Қониқиш ва қувонч ҳислари истеъмолчиларнинг аксарияти учун муддатларга риоя этилиши идеал билан мувофиқлиги, шунингдек, хизматлар сифати кутилганидан ҳам аъло даражада эканлиги билан боғлиқ. Хизматлар доирасининг идеалга мувофиқлиги, ички муҳитнинг кутилганидан ҳам аъло даражада эканлиги каби омиллар ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Учинчи сегмент таъсирчанлик жиҳатидан охирги ўринда туради ва ўз сезгиларига кўра аввалги сегментлардан бироз фарқ қилади. Асабийликни мижозларнинг 100 фоизи, лекин камдан-кам ҳолларда ҳис қилади ва бу хизмат кўрсатувчи ходимлар компетентлик даражасининг пастлиги, шунингдек, нарх омили билан изоҳланади. Фирма идеалга мувофиқлиги туфайли мижозлар салбий туйғуларни ҳис қилмайдилар. Сегментдаги оптимистик туйғулар айни шу омил билан белгиланади.

Шундай қилиб, амалга оширилган таҳлил аксарият мижозларнинг фирмага муносабати ижобий ва шу туфайли ҳам улар хизматлар муқобилини изламайдилар, деган хулосага келиш имкониятини беради.

Бешинчи босқич – ажратилган сегментлар истеъмолчиларининг яқин келажакда харидни амалга ошириш ниятларидаги фарқларни аниқлаш.

Маълумотларга компьютерда ишлов беришнинг 1-жадвалда келтирилган натижалари энг кучли ниятлар биринчи сегментда кузатилишини кўрсатади. Бу жуда муҳимдир, чунки биринчи сегмент даромад даражасининг баландлиги билан тавсифланади.

"Давртур" фирмаси истеъмолчиларини кўп даражали (бир нечта белгиларга кўра) таснифлаш натижалари 2-жадвалда келтирилган.

Жадвал маълумотлари биринчи ва иккинчи сегментлар ўртасида фарқ катта эмаслигини ва уларни бирлаштириш мумкинлигини кўрсатади.

Истеъмолчиларнинг фирмага бўлган муносабатини ва уларнинг ижтимоий-демографик кўрсаткичларини ўрганиш натижасида бир-биридан фарқ қилувчи сегментлар

2-жадвал. Даромад даражасига кўра ажратилган сегментларда истеъмолчиларнинг фирмага бўлган муносабатидаги фарқлар

Фирмага бўлган муносабатни тавсифловчи белгилар	Даромад даражасига кўра ажратилган сегментлар		
	1 сегмент 1000000 сўм ва ундан ортиқ	2 сегмент 500000–1000000 сўм	3 сегмент 400000–500000 сўм
Маркетинг омилларининг муҳимлик даражаси: 1 – баланд, 6 – паст			
- хизматлар сифати ва муддатларга риоя этилиши	1	1	1
- хизмат кўрсатув-чи ходимлар	2	2	2
- хариддан қониқиш	3	3	3
- реклама	4	4	5
- муҳит	5	6	6
- хизматлар нархи	6	5	4
	Истеъмолчиларнинг фирма ҳақидаги фикри: + "идеал" билан мувофиқ; ++ кутилганидан ҳам аъло даражада; - "идеал" билан мувофиқ эмас		
- хизмат кўрса-тувчи ходимлар	-	-	-
- нарх	+	+	-
- чегирмалар	-	-	+
- муддатларга риоя этилиши	+	+	++
- хизматлар сифати	++	++	++
- ички муҳит	+	+	+
- реклама	+	+	+
- хизматлар доираси	+	+	+
	Ҳис қилинадиган туйғуларнинг такрорийлик даражаси: - ҳеч қачон; + баъзан; ++ тез-тез		
- афсус	-	-	-
- асабийлик	+	+	-
- қониқиш	++		++
- қувонч	++	++	++
- қониқмаслик	+	+	++
Яқин келажакда харидни амалга ошириш нияти (сегментга нисбатан фоиз ҳисобида)			
амалга ошириш ниятидалар	68 фоиз	17 фоиз	3 фоиз
амалга ошириш ниятида эмаслар	8 фоиз	4 фоиз	-

ажратилди ва уларнинг профилларига тавсиф берилди (3-жадвал).

Истеъмолчиларнинг корхонага бўлган муносабатини ўрганиш усуллари ва таомилларининг таҳлили қуйидаги хулосаларга келиш ва улардан самарали фойдаланиш юзасидан тавсияларни таърифлаш имкониятини беради.

1. Истеъмолчиларнинг корхонага бўлган муносабатини аниқлаш уларни ўрганишга доир тадқиқотларнинг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу, энг аввало, шу билан изоҳланадики, муносабат истеъмолчилар хулқ-атворининг шаклланишида муҳим роль ўйнайди, бинобарин, муносабатлар таҳлили уларнинг хулқ-атворини диагностика ва прогноз қилиш учун биринчи даражали аҳамият касб этади. Буларнинг барчаси харидорларнинг қарорларини бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш учун методик замин яратади.

2. Истеъмолчиларнинг корхонага бўлган муносабатини ўрганишга доир маркетинг тадқиқотларини ўтказишда харидорларнинг фикрлари, туйғулари, баҳолаш объектининг аҳамияти, шунингдек, харидорларнинг ниятлари ҳақида ахборот йиғиш ва уни таҳлил қилишга қаратилган методлардан фойдаланиш зарур.

3. Истеъмолчиларнинг корхонага бўлган муносабатини ўрганишга доир тадқиқотнинг хусусиятлари ва методлари андозаси муаллиф томонидан ишлаб чиқилган режада акс эттирилади. Тадқиқот режасида белгиланган мақсадларга эришиш қуйидаги босқичларни изчил амалга оширишни талаб қилади:

– тадқиқотнинг қамров доирасини белгилаш ва сўровномалар тузиш;

– истеъмолчиларнинг ижтимоий-демографик кўрсаткичлари ҳақидаги анкета сўрови маълумотларини гуруҳлаш ва таснифлаш;

– фирма фаолиятини тавсифловчи баҳолаш мезонларини ва уларнинг истеъмолчилар учун муҳимлик даражасини аниқлаш;

– истеъмолчиларнинг фирма, унинг рақиблари ва "идеал" фирма фаолияти ҳақидаги фикрини ўрганиш;

3-жадвал. “Давртур” туристик фирмаси истеъмолчилари сегментларининг профиллари

Сегментлар	Профиль
1-сегмент – “Кўпроқ даражада қониққан истеъмолчилар”	Унинг вакиллари даромад даражаси 500000–1000000 сўм ва ундан ортиқ. Улар учун хизматлар сифати, буюртмаларни бажариш муддатларига риоя этилиши, хизматлар кўрсатувчи ходимлар иши ва реклама биринчи ўринда туради. Нархлар, чегирмалар иккинчи даражали аҳамият касб этади. Истеъмолчилар кўпроқ ижобий туйғуларни ҳис қиладилар, чунки кўп сонли кўрсаткичлар бўйича уларнинг фирма ҳақидаги фикри “идеал” билан мувофиқ келади. Харид ҳақида қарор қабул қилишда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган ходимлар иши кутилган даражада эмас. Энг муҳим кўрсаткичлар бўйича фирма туристик хизматлар бозорида рақобатда устунликка эга. Шу туфайли ҳам яқин келажакда харидни амалга ошириш ниятидагилар бу сегментда айниқса, кўп ва тадқиқот билан қамраб олинганлар умумий ҳажмининг 85 фоизини ташкил этади.
2-сегмент – “Камроқ даражада қониққан истеъмолчилар”	Бу – энг кўп сонли сегмент, унга тадқиқот билан қамраб олинган объектларнинг 96,6 фоиз киради. Унда аёллар 55 фоизни, эркаклар эса – 45 фоизни ташкил этади. Объектларнинг ўртача ёши – 30-40 ёш, касб-кори – тадбиркорлар ва хизматчилар. Бу сегмент истеъмолчиларининг даромад даражаси 300000–500000 сўм. Фирмани танлашда хизматлар сифати, буюртма муддатларига риоя этилиши, хизматлар кўрсатувчи ходимлар, нархлар биринчи даражали аҳамият касб этади. Ички муҳит ва реклама иккинчи ўринда туради. Фирма фаолиятининг хизматлар сифати ва буюртмани бажариш муддатларига риоя этилиши каби кўрсаткичлари кутилганидан ҳам аъло даражада. Бунда мазкур сегмент истеъмолчилари мазкур фирмани танлаганларидан ҳеч қачон афсусланмайдилар ва унинг ишидан асабийлашмайдилар. Шу туфайли ҳам ушбу сегмент тўлалигича (100 фоиз) мазкур фирмада яна харидни амалга ошириш ниятини билдирдилар.

– истеъмолчиларнинг фирма фаолиятига бўлган муносабатини белгиловчи ҳис-туйғуларини ўрганиш;

– истеъмолчиларнинг ниятларини ўрганиш;

– истеъмолчиларнинг фирмага бўлган муносабатига кўра уларни сегментларга ажратиш моделини ишлаб чиқиш;

– олинган сегментларнинг профилларини шарҳлаш.

4. Истеъмолчиларнинг корхонага бўлган муносабатини аниқлаш учун “идеал нуқта” кўп омилли методидан фойдаланиш лозим, чунки у ҳам “идеал корхона” ҳақида, ҳам истеъмолчиларнинг ўрганилаётган корхона ва унинг рақибларига бўлган муносабати ҳақида ахборот олиш имкониятини беради.

5. Корхонанинг истеъмолчилар учун айниқса, муҳим бўлган кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида, рейтинг пунктирли шкаласидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу шкала, унда категориялар аниқ ажратилиши боис, график шкалага қараганда ишончлироқ баҳоларни олиш имкониятини беради.

6. Ҳар бир кўрсаткич бўйича истеъмолчилар фикрини баҳолаш учун ўз-ўзига ҳисоботга асосланган шкала ишлаб чиқилиши лозим. Тадқиқотда Лайкерт модификацияланган шкаласидан фойдаланилди ва у респондентларга ўз туйғуларининг интенсивлик даражасини ифодалаш имкониятини берди.

7. Муносабат руҳий омилга ҳам боғлиқ бўлгани боис, билиш омилининг ўзинигина ўрганиш истеъмолчиларнинг корхонага бўлган муносабати яхши тушунилмаслигига олиб келиши мумкин. Руҳий омилларни аниқлаш учун рейтинг пунктирли шкалаларининг биридан фойдаланилиши мумкин.

8. Тадқиқот предметига қўшимча ойдинлик киритиш учун истеъмолчиларнинг ижтимоий-демографик кўрсаткичлари ҳақида ахборот олиш зарур. Бу кўрсаткичларни “борлиқ элементлари” деб атайдилар, шу маънодаки, улар кишилар ва уларнинг хулқ-атворига хос бўлган жиҳатларни белгилайди; хусусан, Ўзбекистонда даромад даражаси истеъмолчининг қарорини белгиловчи асосий омил ҳисобланади.

9. Маркетинг ахборотини умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун истеъмолчиларнинг ўрганилаётган фирма ва унинг рақибларига бўлган муносабатини тавсифловчи миқдор кўрсаткичларини аниқлаш имконини берувчи “идеал нуқта” кўп омилли методидан, шунингдек истеъмолчиларни корхонага нисбатан турдош гуруҳларги бирлаштириш ва сўнгра харид ҳақида қарор қабул қилиш жараёнининг натижаси сифатидаги муносабатни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш учун имконият яратувчи кластерли таҳлил методларидан фойдаланиш лозим.

10. Истеъмолчиларнинг корхонага бўлган муносабатини ўрганиш учун таклиф қилинаётган методига мувофиқ ўтказилган маркетинг тадқиқоти натижаларидан корхонанинг рақобатдаги устунликлари ва бой берилган имкониятларини аниқлаш ҳамда биринчи ва такрорий харидлар ҳақида қарор қабул қилиш жараёнида истеъмолчига маркетинг усуллари билан таъсир кўрсатишнинг самарадорлик даражасига баҳо бериш учун фойдаланилиши мумкин.

Шундай қилиб, истеъмолчиларнинг харид ҳақида қарор қабул қилиш жараёнини ва унинг муҳим натижаларидан бири саналган корхонага бўлган муносабатини ўрганиш учун таклиф қилинаётган методикалар ёрдамида ўтказиладиган маркетинг тадқиқотлари харидорлар хулқ-атворини маркетинг усулида бошқариш стратегияларини ишлаб чиқиш ва улардан хизматлар соҳасида фойдаланишнинг самарадорлик даражасига баҳо бериш учун ахборот-таҳлилий базани яратиш имконини беради.

Маруфжон ТАРИКУЛОВ,
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, “Сервис” кафедраси тадқиқотчиси.

Бандликка кўмаклашиш марказларининг ишсизларни касбга ўқитиш тизимини такомиллаштириш



Ўзбекистонда меҳнат бозорининг шаклланиши ишсизликни ҳақиқий воқеликка айлантирди. Бундай ҳолат ёлланма ишчиларда янги хислатларнинг пайдо бўлишини белгилади. Бозор иқтисодиёти тамойиллари мамлакатда янада кенг эътироф этила боргани сайин кўплаб фуқаролар янги воқеликка мослашдилар ва ишсизликнинг мавжудлиги ҳолати ҳам кишиларни ажаблантирмай қўйди. Бироқ аниқ ишини йўқотган инсон ҳақида гап кетганда, ишсизлик унинг руҳий ҳолатига қандай салбий таъсир кўрсатишини тасаввур қилиш мумкин.

Республика Президенти И.А.Каримов ишсизликнинг инсон учун салбий оқибатларини кўрсатиб, шундай дейди: “Агар одамлар иш билан банд бўлмасалар, иш бўлмаса бу – офатдир, айниқса, ёшлар учун офатдир. Бекорчилик сабабли улар жамият учун зарарли хатти-ҳаракатларга йўл қўядилар, жиноят содир этадилар, безорилик қиладилар”[1].

Ўзбекистонда ишсизлик билан боғлиқ ижтимоий ҳимоя тизимини молиялаш жаҳон амалиётида қабул қилинганидек, ихтисослашган молия-кредит муассасаси – аҳоли бандлик жамғармаси орқали олиб борилади. У Ўзбекистон ҳукумати ҳузурида тузилган ва унинг маблағлари давлат мулки ҳисобланади. Уни тезкор бошқариш Давлат аҳоли бандлиги хизмати ва унинг ҳудудий органлари ихтиёрида бўлади.

Жаҳон амалиётида ижтимоий эҳтиёжларга маблағларни шакллантиришда икки хил ёндошув мавжуд: мажбурий ёки ихтиёрий суғурталаш.

Мажбурий суғуртанинг устунлиги: у мазкур жараёнга давлатни жалб этган ҳолда вилоятларда кафолатларнинг ишончлилигини яратади. Бизнинг мамлакатимизда маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиёти шароитида ижтимоий соҳага давлат кафолатлари ва қўллаб-қувватлаш мустаҳкам йўналиши вужудга келди. Бу албатта, ихтиёрий суғуртани жорий этиш имкониятларини тўхтатиб туради. Ўзбекистон аҳолиси асосий қисмининг даромадлари астасекин ошиб бораётганлиги ҳолати ҳам бу борада муҳим роль ўйнайди. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон қонунчилиги томонидан белгиланган мажбурий суғурта бадаллари асосида молиявий ресурсларни ҳаракатлантириш сиёсатининг тўғрилигини тасдиқлайди.

Фуқароларни ишсизликдан ижтимоий ҳимоялаш тизимини кенг маънода шундай талқин қилиш мумкин, яъни бандлик хизматининг ишсизлар билан олиб борадиган ишларининг барча босқичлари унинг фаолияти доирасига киради. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида” ги қонунига кўра, ишга ва иш ҳақига (аҳоли бандлиги давлат хизмати йўналиши бўйича жамоат ишларини бажарганлик учун ҳақни истисно этганда) эга бўлмаган, бандлик хизматида мос келувчи ишни излаш мақсадида рўйхатга олинган меҳнатга лаёқатли фуқаролар ишсизлар, деб ҳисобланади.

Аҳолини ишсизликдан ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари тизимида бепул касбий тайёрлаш ҳуқуқи, бандлик хизмати йўналиши бўйича

ишсиз фуқароларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш муҳим ўрин тутади. Бандмас аҳолига касбий таълим бериш қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш имкониятини беради:

– меҳнат ресурсларининг касб-малака таркибини иқтисодиёт эҳтиёжларига мувофиқ ўзгартириш;

– меҳнат бозорида ишловчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш;

– ишсизлик кўламларини, айниқса, технологик таркибида қисқартириш.

Ишсиз фуқароларга ишчи кучи касб-малака тавсифларини такомиллаштиришда ёрдам кўрсатиш фаол бандлик сиёсатининг асосий омилларидан ҳисобланади. Чунки ишсизликнинг сабабларидан бири бўлган вакант иш жойлари ва ишсизлар сифат тавсифларининг мос келмаслигини бартараф қилишга ёрдам беради. Ҳозирги вақтда бандмас аҳолига касбий таълим беришни тартибга солишда давлат ролининг кучайиши, биринчи навбатда, кўпчилик корхоналар ва тармоқлардаги иқтисодий инқироз ҳолати билан келиб чиққан. Бу ҳолат қатор касблар ва мутахассисликлар бўйича, энг аввало, ишчилар бўйича кадрлар тайёрлаш бутун тизимининг мавжудлигидан далолат беради. Мамлакат иқтисодиёти кўпчилик тармоқлари (мос равишда, уларни ташкил қилувчи корхоналар) истиқболда кадрларни мустақил тайёрлаш имкониятига эга эмаслар, бу кўпчилик корхоналар учун ҳали аниқ эмас. Шу сабабли бандмас фуқароларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш соҳасидаги давлат тузилмаларининг фаолияти ишсизликни камайтириш билан бир қаторда, мамлакат меҳнат салоҳиятининг касб-малака таркибини такомиллаштиришга ҳам йўналтирилади. Ҳозирги пайтда Ўзбекистондаги ишсизлик ишлаб чиқаришнинг пасайишига қараганда, кўпроқ унинг технологик қайта қуроллантирилиши туфайли келиб чиққанлиги билан боғлиқ ва у таркибий характер касб этади. Бундай вазият яқин йилларда янги иш ўринларининг оммавий равишда яратилиши ва мавжуд иш ўринларининг кўламли модернизацияланиши билан боғлиқдир.

Ислоҳотларни чуқурлаштириш даврида бозор тузилмаларининг яратилиши жараёни сифат жиҳатдан янги даражадаги ишчи кучини талаб қилмоқда. Буларнинг ҳаммаси касб-малака жиҳатдан ишчи кучига бўлган талабнинг қутилаётган миқдорини реал прогноз қилиш имконини беради. Шу сабабли касбларни алмаштириш ёки малака ошириш уларга ишга жойлашиш имкониятини берса, бугунги кунда ишсиз қолган фуқароларга бу борада ёрдам кўрсатиш муҳимроқдир.

Банд бўлмаган аҳоли орасидан кадрлар тайёрлаш кўламларини тўғри баҳолаш учун жойлардаги бандлик хизмати идоралари қуйидаги омилларни ҳисобга олишлари керак:

– минтақа иқтисодиётининг, шу жумладан, тармоқ кесимида ривожланиш динамикасини;

– касбларнинг сақланиши ёки алмаштирилиши билан борадиган корхоналар ва ташкилотлар ўртасида кадрлар ҳаракатини;

– тармоқлар ўртасида ва улар ичидаги кадрлар ҳаракатини;

– минтақа иқтисодиётининг меҳнат бозорида талаб қилинган касблар бўйича малакали мутахассислар билан таъминланганлик даражасини.

Бандмас ва ишсиз фуқароларни касбга ўқитиш тадбирининг асосий мақсади касбий билим ва кўникмаларни ривожлантириш йўли билан ишини йўқотган ёки уни йўқотиш арафасида турган кишиларнинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш ҳисобланади. Бу янги иш ўринларини излаш заруриятини пасайтириб, қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш имкониятини беради:

– фуқароларга касбга йўналтириш, ўқитиш шакл ва дастурларини танлаш соҳасида хизматлар кенг доирасини тақдим қилиш;

– аҳоли меҳнат фаоллигига кўмаклашиш, тадбиркорликни ва ўз-ўзича бандликнинг турли шаклларини ривожлантириш;

– меҳнат бозорида пасайтирилган рақобат лаёқатига эга бўлган шахсларга касбий таълим олиш имкониятларини устувор тақдим қилиш (узоқ вақт ишсиз юрган фуқароларга, ёшлар, ёш болали аёллар, ногиронларга);

– мамлакат иқтисодиёти ҳолатини, товарлар ва хизматлар бозори конъюнктурасини ҳисобга олиб, касбга ўқитишга ижтимоий буюртмани шакллантириш.

Бандмас аҳолига касбий таълим бериш концепциясини амалга ошириш қуйидагиларни талаб қилади:

– ҳудудий бандлик хизмати – ўқув марказлари тармоғини, энг аввало, катта ёшдагилар учун ривожланган таълим муассасалари тармоғига эга бўлмаган ҳудудларда қўшимча таълим кўп функционал муассасаси сифатида ривожлантириш;

– иқтисодиётнинг нодавлат секторида ишлаш, жумладан, тадбиркорлик билан шуғулланиш учун банд бўлмаган аҳолини касбга ўқитиш имкониятларини кенгайтириш;

– ишлаб чиқаришни реконструкциялаш ва қайта профиллаш билан боғлиқ равишда вақтинчалик тўхтаб қолган даврида ҳам кадрларни касбга ўқитишни ташкил қилишда корхоналар ва фирмаларга кўмаклашиш;

– ишдан бўшатилаётган ишчиларни ўқитиш бўйича корхона ва ташкилотларга таълим хизматларини кўрсатиш;

– маҳаллий меҳнат бозори ҳолатини ҳисобга олиб, минтақа касбий таълим муассасаларида ишчи ва мутахассисларни тайёрлаш ҳажми ва профилини аниқлашда қатнашиш.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигида банд бўлмаган аҳолига касбий таълим беришни ташкил қилиш ишида катта тажриба тўпланган. Бу фаолият кўп жиҳатдан бандлик сиёсатини амалга ошириш бўйича

1-жадвал. Ўзбекистон бандликка кўмаклашиш марказларида иш изловчи сифатида рўйхатга олинган фуқароларнинг маълумоти бўйича тақсимланиши[2]

Маълумот даражаси	Жами иш изловчилар				Аёллар				Эркаклар			
	2005 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2005 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2005 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
Жами иш изловчилар, шу жумладан:	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Олий маълумотлилар	6,3	6,0	5,5	6,0	6,0	6,3	5,7	6,4	6,7	5,8	5,3	5,7
Ўрта махсус маълумотлилар	21,5	26,1	30,1	27,8	22,8	27,6	32,1	29,9	20,3	24,7	28,4	26,3
Умумий ўрта	64,6	62,4	58,7	62,4	62,0	59,7	56,9	60,7	66,9	64,7	60,1	63,7
Маълумотсиз	7,6	5,5	5,8	3,8	9,2	6,4	5,2	3,0	6,1	4,8	6,2	4,3

фаол тадбирлар самарадорлигини белгилайди. Касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва касбга йўллаш тизими имкониятларидан фойдаланиш давлатга ишчи кучини захиралаш, ишсизликни қисқартириш кўламларига реал таъсир кўрсатишда ёрдам беради.

Иш изловчи фуқароларнинг маълумоти бўйича таркибида умумий ўрта маълумотлилар юқори салмоққа эга бўлмоқда. Иш излаётган олий маълумотли мутахассислар (6,3 фоиздан 6,0 фоизгача) ва маълумотсиз фуқаролар салмоғи (7,6 фоиздан 3,8 фоизгача) анча паст ва камайиш тенденциясига эга бўлмоқда (1-жадвал).

Бизнингча, олий маълумотлилар салмоғининг пастлиги уларнинг бандликка кўмаклашиш марказлари орқали ишга жойлашишни хоҳламаслиги билан, маълумотсизлар улушининг камлиги эса уларга бўлган талаб-эҳтиёжнинг камлиги ва бунинг натижасида ишга жойлашишга бўлган ишончнинг камлиги билан боғлиқ.

Ўзбекистонда меҳнат ресурсларини шакллантиришда ижобий омиллар таъсири сезила бошлади, умумий ўрта маълумот олмаган ёшларнинг роли пасайиб бормоқда. Фуқароларнинг бундай тоифаси меҳнат бозорида алоҳида ночор қатлам ҳисобланади, бу муаммони ҳал қилиш республика таълим муассасаларининг доимий диққат марказида турибди.

Олиб борилаётган тадбирларга қарамасдан, Ўзбекистонда олий ўқув юртлари бугунги кунда меҳнат бозорининг янги талабларига мос келадиган малакали инсон ресурсларини тўла ҳажмда таъминлай олмаяпти. Тадбиркорлар орасида ўтказилган сўров натижалари кўрсатишича, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг битирувчиларини тайёрлаш даражаси тўла қондирилишини иқтисодиёт мутахассисликлари бўйича фақат 18,2 фоиз респондент, техник мутахассисликлар бўйича 18,6 фоиз, ҳуқуқшунослик соҳасида – 17 фоиз, ахборот технологияларида – 28,9 фоиз респондентлар таъкидлашган[3].

Бундай шароитда меҳнат бозоридаги талаб ва кадрлар тайёрлашни мувозанатлаштириш қийин. Натижада ижтимоий соҳа тармоқларида (соғлиқни сақлаш, таълим) етарли миқдорда мутахассислар тайёрлашда штатларнинг мувофиқмаслиги сақланиб қолмоқда. Саноат корхоналари учун муҳандис-техник ишчилар, кичик бизнес соҳаси учун билимли ва тажрибали менежерлар етишмаслиги кузатилмоқда.

Ишсизларни касбга йўллашга бўлган эҳтиёж ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф таркибининг муҳим номувофиқлиги ҳисобланиб, у республика барча маҳаллий меҳнат бозорлари учун хос. Бунда касбга йўллаш тартиби фуқарони касбий ўқитиш ёки қайта тайёрлаш йўналишидан албатта, олдинда юриши керак.

Ишсиз фуқароларни касбий ўқитишни молиялаштириш қуйидагилар ҳисобига амалга оширилади:

– давлат бандлик жамғармаси минтақавий бўлимларининг маблағлари;

– ишдан бўшатилиши олдидаги икки йил давомида корхонада малакасини ошириш ёки бошқа касб эгаллаш имкониятига эга бўлмаган ишчиларни ишдан бўшатаётган корхоналарнинг маблағлари.

– корхоналарнинг маблағлари, улар негизида ишсиз фуқароларни касбга ўқитиш, кейинроқ эса ўша корхонанинг ўзида ишга жойлаштирилади;

– ишлаб чиқаришда касб касалликларига учраган ёки ногирон бўлиб қолиб, ишдан бўшатилган ишчилар корхоналарининг маблағлари;

– хайрия фондларининг маблағлари.

Ишсизларни касбий ўқитиш харажатлари Ўзбекистонда йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан фаол бандлик сиёсатининг мазкур йўналишига катта эътибор қаратилаётганлигидан далолат беради.

Муяссар МИРЗАКАРИМОВА,
иқтисод фанлари номзоди.

[1] И.А.Каримов. "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида". – Т.: "Ўзбекистон", 2011. – 60-бетлар.

[2] Труд и занятость в Узбекистане. 2009: Статистический сборник. ГоскомРесУз. По статистике. – Ташкент, 2009. –С. 71. Узбекистан в цифрах 2010. Статсборник Гос.ком.рес. Уз. по статистике. – Т., 2010. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг маълумотлари асосида ҳисобланди.

[3] Социальное исследование "Предприниматели Узбекистана: проблемы, мнения, социальный портрет", ЦЭИ, 2006.

Ижтимоий соҳа модернизациясининг назарий жиҳатлари



Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўз тараққиёт йўлини аниқ белгилаб олди. Бу – демократик ҳуқуқий давлат, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар йўлидир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз – мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам – буларнинг барча-барчаси, аввалambор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир.

Узоқни кўзлаб айтилган бу сўзлар истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга ошириб келинаётган давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятини ёрқин ифодалайди. Жисмонан соғлом, маънавий етук, юксак интеллектуал салоҳият, замонавий билимларга эга, мустақил фикрлайдиган, келажакка ишонч билан қарайдиган баркамол авлодни тарбиялаш ҳақида ғамхўрлик қилиш ушбу сиёсатнинг устувор йўналишидир.

Мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган демократик ва бозор ислоҳотлари талабларига жавоб берадиган ушбу вазифаларга мувофиқ кадрларни тарбиялаш, уларга таълим бериш ва тайёрлаш тизими тубдан ислоҳ қилинди. Бу борада шакллантирилган қонунчилик базаси мазкур жараёнларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар бир фуқаро таълим олиш ҳуқуқига эга экани, бунда давлат бепул умумий таълим олишни кафолатлаши мустаҳкамлаб қўйилган. Бу борада давлатимиз раҳбарининг тегишли фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган.

Ижтимоий соҳани модернизация қилиш сиёсати устувор вазифалар қаторига кўтарилган мамлакатимизда таълим тизимига алоҳида эътибор қаратилди. Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 1997 йил 29 августда "Таълим тўғрисида"ги қонун, кўлами, миқёси, қамрови ва мақсадлари бўйича ноёб Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши ушбу муҳим соҳада чуқур ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Ушбу дастур жиддий изланиш ва тадқиқотларнинг, жаҳондаги тараққий топган илғор мамлакатлар тажрибасини умумлаштиришнинг натижаси сифатида ўтмишда мажбуран сингдирилган коммунистик мафкуранинг қолип ва андозаларидан бутунлай воз кечиш, одамларнинг, биринчи навбатда, униб-ўсиб келаётган авлоднинг онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, қисқача айтганда, бу дастур ҳаётда ўз фикрига, ўзининг қарашлари ва қатъий фуқаролик позициясига эга бўлган, ҳар томонлама етук ва мустақил фикрлайдиган шахсни шакллантиришни мақсад қилиб қўяди. Мамлакатимизда таълим тараққиётнинг шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техник ҳамда маданий

эҳтиёжларини таъминлайдиган устувор соҳаси сифатида қонунан белгилаб қўйилди. Мамлакатда мустақил тараққиётимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлаш, аҳолининг даромадлари ва турмуш шароитида кескин тафовут бўлишига йўл қўймасликка катта эътибор қаратилмоқда.

Мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, ўтган 2011 йилда ижтимоий ислоҳотларнинг муҳим бўғини таълим соҳасини ривожлантириш бўйича мамлакатимизда амалга оширилган ишлар ҳақида гапирар эканмиз, умумий ўрта таълимдан бошлаб ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълимгача бўлган бўғинларда чуқур билим ва пухта касб-ҳунар тайёргарлигига эга бўлган ёш авлодни тарбиялаш жараёнини ўз ичига олган яхлит узлуксиз таълим тизимини шакллантириш ишлари изчил давом эттирилганини кўрамиз.

Олис ва чекка ҳудудларда касб-ҳунар коллежларининг 24 та филиалини ташкил этиш, фаолият юритаётган коллежлар қошида 18 та талабалар турар-жойларини қуриш орқали умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларини касб-ҳунар таълими билан тўлиқ қамраб олиш бўйича қўшимча чора-тадбирларнинг қабул қилингани мазкур йўналишдаги муҳим қадам бўлди. Умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида катта ишлар амалга оширилди. Энг замонавий ўқув ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланган, 46 минг 300 дан ортиқ ўқувчига мўлжалланган 166 та янги мактаб қурилди ва реконструкция қилинди, 151 та мактаб капитал таъмирланди. Мамлакатимиздаги 852 та мактабда замонавий ўқув компьютер синфлари ташкил этилди.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам ижтимоий ислоҳотларнинг тўғри йўналишда эканидан далолатдир. Коллежлар ва корхоналар ўртасида битирувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ўташи ва келажакда мазкур корхоналарда ишга жойлашиши бўйича шартнома тузиш йўлга қўйилди. Мазкур келишувлар асосида 390 мингдан ортиқ битирувчи иш билан таъминланди.

Жорий йилнинг февраль ойида пойтахтимизда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзусидаги нуфузли халқаро конференция, айтиш мумкинки, мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий соҳа, хусусан таълим тизимидаги ислоҳотларнинг дунё миқёсидаги яна бир эътирофи бўлди. Бутун дунёда кўзга кўринган олим ва мутахассислар, жаҳондаги машҳур ўқув юртлари, нуфузли халқаро тузилмаларнинг раҳбарлари ва вакиллари иштирокида Ўзбекистонда шаклланган таълим тизимини ислоҳ этиш модели ва уни амалга ошириш бўйича тўпланган тажрибанинг муҳокама қилиниши мазкур Форумнинг бош мавзуси бўлди. Таълим тизимини ислоҳ этиш масалалари – замонавий давлатнинг изчил ва барқарор тараққиёти, аваламбор, унинг иқтисодий ривожланиши йўлидаги муаммоларни ечиш билан бевосита боғлиқ ҳолда кўрилаётганини барча иштирокчилар эътироф этдилар.

Бугун, маълумотларга қараганда, Ўзбекистонда аҳолининг қарийб 35 фоизини 16 ёшгача бўлган болалар, 62 фоиздан зиёдини эса 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ислоҳотларнинг роли ва аҳамияти ўз-ўзидан тушунарли ва равшан бўлади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ, мамлакатимизда 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилди. Юртимизда амалга оширилаётган моделнинг принципиал хусусияти шундаки, умумтаълим мактабидаги 9 йиллик ўқишдан сўнг ўқувчилар кейинги 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда таҳсил олиб, уларнинг ҳар бири умумтаълим фанлари билан бирга меҳнат бозорида талаб қилинадиган 2-3 та мутахассислик бўйича касб-ҳунарларни ҳам эгаллайди.

Айни кунда мамлакатимизда 9779 умумтаълим мактаби фаолият кўрсатмоқда, 1500 дан ортиқ янги касб-ҳунар коллежи ва академик лицейлар барпо этилган. Улар ўз меъморий қиёфаси ва техник таъминотига кўра энг яхши олий ўқув юртларидан асло қолишмайди. Касб-ҳунар коллежларидаги замонавий ўқув-лаборатория, компьютер ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари ўқувчилар учун умумий фанлар бўйича нафақат тўлиқ билимлар ҳажмини эгаллаш, айни вақтда ушбу ўқув юртларидаги замонавий техника ва технологияларни ўзлаштириш имконини ҳам беради.

Ўзбекистонда Вестминстер университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Турин политехника университети, Россия нефть ва газ университети, Москва давлат университети, Россия иқтисодиёт университети каби юксак халқаро обрў-эътибор ва чуқур тарихий илдизларга эга бўлган Европа ва Осиёнинг етакчи олий ўқув юртларининг филиаллари ташкил этилди ва муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Ушбу олий ўқув юртларида машинасозлик, нефть-газ иши, ахборот технологиялари, иқтисодиёт ва бизнес бошқаруви, молиявий менежмент, тижорат ҳуқуқи каби меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрланмоқда ҳамда уларнинг битирувчилари бутун дунёда тан олинадиган дипломларга эга бўлмоқда.

Ўзбекистон Миллий университети ва Фанлар академияси томонидан Буюк Британиянинг етакчи олий ўқув юрти – Кембриж

университети билан ҳамкорликда 2012 йилда Юксак технологиялар ўқув-тажриба маркази ташкил этилмоқда. Марказнинг асосий вазифаси – иқтидорли талабалар, аспирант ва ёш олимларни кимё, физика, биология, биокимё, биофизика, геология ва геодезия соҳаларида амалий инновацион илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда илмий ишланмаларни амалга оширишнинг замонавий методларига ўргатишдан иборат. Марказни энг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш кўзда тутилмоқда, у ерда Кембриж университетининг олим ва мутахассислари конкрет йўналишдаги тадқиқот ишларини амалга ошириш жараёнида ёш олимларни тайёрлаб боради.

Умуман, Ўзбекистонда таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ этишга йўналтирилаётган йиллик харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этаётгани ва бу тизимнинг Давлат бюджети харажатларидаги улуши 35 фоиздан ортиқни ташкил этиши ўз-ўзидан мазкур соҳага қаратилаётган улкан эътиборнинг яққол тасдиғи ҳисобланади.

Шу ўринда таълимни ривожлантиришга йўналтирилган хорижий техник ёрдам ҳажмининг тобора ортиб бораётганини алоҳида таъкидлаш керак. Ўтган даврда бу борадаги ёрдам 500 миллион доллардан ошиб кетди. Бу ҳақда гапирганда, биринчи навбатда, Осиё тараққиёт банкининг салкам 290 миллион доллар маблағи, Жанубий Корея ҳукуматининг 110 миллиондан ортиқ, Жаҳон банкининг 33 миллион, ОПЕК фонди, Саудия фонди, Ислом тараққиёт банкининг 42 миллион, Германия ҳукуматининг «КфВ» банки орқали йўналтирилган қарийб 20 миллион ва бошқа донорларнинг 100 миллион доллардан ортиқ ёрдамини қайд этиш лозим.

Нуфузли халқаро молиявий ташкилотларнинг баҳоларига кўра, Ўзбекистон ҳали-бери давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқирозга қарамасдан, ўтган беш йил давомида 8,5 фоиздан кам бўлмаган барқарор юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолмоқда. 2000 йил билан солиштирганда, ялпи ички маҳсулотнинг кўпайиши 2,1 баробарни ташкил этди. Жорий ҳисобкитобларнинг профицити, ташқи қарзнинг пастлиги ва валюта захираларининг етарли даражада бўлиши таъминланмоқда, ўрта муддатли истиқболда иқтисодиётнинг юқори суръатларда ўсиши башорат қилинмоқда.

Шуни қайд этиш лозимки, бундай суръатлар, биринчи навбатда, таркибий ўзгаришлар ва иқтисодиётни диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юксак технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларини жадал ривожлантириш, фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ҳисобидан таъминланмоқда.

Агар ўтган ўн йил давомида Ўзбекистон иқтисодиётига 80 миллиард доллар ҳажмидаги капитал қўйилмалар йўналтирилган бўлса, уларнинг 23 миллиард доллардан зиёди ёки 30 фоизини хорижий инвестициялар ташкил этди. Чет эл инвестицияларининг 2012 йилдаги ўсиши 16 фоизни ташкил этиши, уларнинг 70 фоизи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардан иборат бўлиши кутилмоқда. Бу эса, ўз-ўзидан мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга хорижий капиталнинг қизиқиши ва энг муҳими, Ўзбекистоннинг тараққиёт истиқболларига бўлган ишончнинг тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

Айни пайтда касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларини битириб чиқаётган ёшларимиз эгаллаётган энг замонавий билим ва кўникмаларни амалга жорий этиши учун уларни кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасига кенг жалб қилиш масаласига принципиал аҳамият берилиши ҳам устувор вазифа сифатида белгилаб қўйилди. XXI аср – интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср. Бу ҳақиқатни кимки ўз вақтида англаб етмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса – бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлида ортда қолиб кетиши мумкин.

Гўзал АЛИМОВА,
ЎзМУ иқтисодиёт факультети, и.ф.н.
Азиз ИШМУҲАМЕДОВ,
доцент.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. И.А.Каримов “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”. Т., “Ўзбекистон”, 2011.

2. И.А.Каримов “Маънавият – енгилмас куч”. Т., “Ўзбекистон”, 2009.

3. И.А.Каримов “Ўзбекистон буюк келажак сари”. Т., “Ўзбекистон”, 1998.

4. И.А.Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”, Т., “Ўзбекистон”, 1997.

5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., “Ўзбекистон”, 1994.

6. Доклад о человеческом развитии. Узбекистан, - 1999.

7. Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедияси. Т., “Қомуслар Бош таҳририяти”, 1997.

Қишлоқ инфратузилмасини инновацион ривожлантириш даражасини баҳолашнинг услубий асосларини такомиллаштириш

Инфратузилма тармоғини инновацион ривожлантиришда, албатта, унинг ҳақиқий ривожланганлик ҳолати, олдинги йилларга нисбатан ривожланиш тенденцияси ва таъминланганлик даражаси тўғрисида батафсил маълумотга эга бўлиш лозим. Умуман "баҳолаш" тушунчаси баҳоланаётган тизимнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда унинг иқтисодий, ижтимоий ва бошқа кўрсаткичларни кўриб чиқишни назарда тутади. Самарадорлик кўрсаткичлари қўйилган мақсаддан келиб чиқиб инфратузилма мажмуасининг ўз тизимлари орқали (ички баҳолаш) ва бошқа институционал корхоналар томонидан (ташқи баҳолаш) баҳоланиши мумкин.

Қишлоқ инфратузилмасини инновацион ривожлантириш даражасини баҳолаш кўрсаткичлари – миқдор ва сифат белгиларини акс эттирувчи кўрсаткичларга асосланади. Миқдор кўрсаткичларни тўплаш ва қайта ишлаш бир мунча мураккаб, аммо самарадорликни баҳолашда катта аҳамиятга эга. Миқдор кўрсаткичларни тўплашда анкета-сўровнома ўтказиш каби оддий усуллардан фойдаланиш, ушбу маълумотларни қайта ишлашда иқтисодий-математик, статистик, монографик, тажриба, ҳисоб-конструктив ва моделлаштириш каби усулларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Сифат кўрсаткичларни шакллантирилган интервью ва анкета-сўровнома олиш орқали тўплаш мумкин. Ушбу маълумотлар хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳолатини, ўзаро муносабатларни, қарорларни қабул қилиш механизмларни акс эттиради.

Қишлоқ инфратузилмасини инновацион ривожлантиришнинг самарадорлигини баҳолаш янги йўналиш ҳисобланади. Тадқиқот ишимизда умумий ҳолда инфратузилма тармоғининг самарадорлигини баҳолашнинг асосий йўналишларни аниқлашга ҳаракат қилдик. Ушбу масала илмий жиҳатдан асослаб берилса, инфратузилма тармоғига инвестиция жалб этиш учун ишончли механизм яратилиб, уни ривожлантришнинг оптимал ечими ишлаб чиқилади.

Инфратузилма тармоғининг самарадорлигини баҳолашнинг услубий асоси сифатида такрор ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини баҳолаш назарияси хизмат қилиши мумкин. Самарадорлик, бир томондан, ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол натижасида олинган натижа ва, иккинчи томонидан, меҳнат сарфи ҳамда жамиятнинг бошқа харажатлари ўртасидаги ўзаро муносабатни акс эттиради. Маълумки, самара ва самарадорликнинг турли кўринишлари мавжуд: иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, экологик ва бошқалар. Аммо инфратузилма тармоғини инновацион ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда, унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга оладиган бўлсак, бундай ёндашув бир мунча мураккабдир.

Биринчидан, ҳар доим ҳам инфратузилма тармоғи ишчилар меҳнати якуний маҳсулотни кўпайишига олиб келавермайди.

Иккинчидан, инфратузилма тармоғининг фаолияти одатда харажатларни иқтисод қилишга, нобудгарчиликнинг камайишига ва бошқа омилларга олиб келади.

Шунинг учун назария ва амалиётда инфратузилма тармоғининг самарадорлигини баҳолашда турлича ёндашувлар мавжуд.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ишлаб чиқариш фаолиятига таъсир даражасини ажратиб олишнинг имкони деярли йўқлиги сабабли, инфратузилма тармоқлари фаолиятининг самарадорлигини тўғридан-тўғри миқдорий жиҳатдан аниқлаш бирмунча мураккаб.

Инфратузилманинг ривожланишига киритиладиган инвестицияларнинг самарадорлигига баҳо беришда турли хил услублар қўлланилади. Хорижда "харажат – даромад" (cost - benefint) услуби кенг қўлланилиб келинмоқда.

Унинг моҳияти шундан иборатки, инвестиция фаолиятининг натижасини характерловчи, ижтимоий ва иқтисодий кўрсаткичлар тизимини ҳисобга олиб, инвестицияларнинг самарадорлигини ва мамлакатнинг иқтисодий ўсишга таъсирини асослаш ҳисобланади. Бу услубнинг афзаллиги шундаки, бу услубни нафақат микродаражада, яъни алоҳида корхона мисолида, балки инфратузилмага йирик дастурлар асосида киритиладиган инвестицияларни макроиқтисодий даражада ҳам таҳлил қилиш мумкин.

Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга сарфланган сармоя ушбу соҳанинг иқтисодий самарадорлигини оширишга йўналтирилиши лозим. Қишлоқ инфратузилмаси тармоғи фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш усули моддий ишлаб чиқариш соҳаларида ҳисобланадигани каби бўлиши ва шу билан бирга муомала жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари инобатга олиниши лозим.

Қишлоқ хўжалиги инфратузилмасининг сифат ва миқдорий

жиҳатларини аниқловчи омилларнинг учта асосий шакллари мавжуд:

– вақтнинг қисқариши ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошиши;

– ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошиши ҳисобига муомала вақтининг қисқариши;

– товар ҳаракатига кетадиган ижтимоий харажатларнинг камайиши.

Қишлоқ хўжалиги инфратузилма объектларини молиялаштиришдан олинадиган самарадорликни уч турга бўлиш мумкин, яъни бевосита, билвосита ва "кўринмас" самарадорликдир. Бевосита самарадорликка киритилган инвестициялар натижасида реализация қилинган товар ва хизматлардан тушган даромадлардир. Билвосита самарадорлик – қиймат шаклида ифодаланган, бевосита даромадларга кирмайдиган инвестициялар самарасини белгилайди. "Кўринмас" самарадорлик қиймат шаклига эга эмас, аммо инвестицияларнинг амалга ошиши натижасида вужудга келган самарадир. Инфратузилма объектларини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни аниқлашда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос бўлган жиҳатларини эътиборга олиш лозим.

Ҳозирги кунда инфратузилма тармоғининг ривожланиш самарадорлигини баҳолашда турлича ёндашувлар мавжуд. Айрим иқтисодчилар инфратузилма тармоғининг иш ҳажми бўйича баҳолашни таклиф этсалар,[1] бошқалар олган даромади ва яна айрим иқтисодчилар таъминланганлик даражаси бўйича[2].

М.Орипов ўз тадқиқот ишида инфратузилма самарадорлигини белгилашда инфратузилма хизматлари кўрсатиш ҳажмини ялпи ишлаб чиқарилган ёки сотилган ялпи товар маҳсулоти ҳажмининг ўсиш нисбатлар билан ифодалашни, шунингдек, инфратузилманинг ривожланиш даражасини барча омиллар доимий (const) бўлганда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш (ёки маҳсулот сотуви) ҳамда кўрсатилган инфратузилма хизматлари ҳажмининг индекси орқали баҳолашни таклиф этган[3].

Б.Т.Салимов ва Н.И. Ўрақов: "Ишлаб чиқариш инфратузилмаси иқтисодий самарадорлигининг асосий кўрсаткичи объектлар ишлаб чиқариши харажатларининг ўз-ўзини қоплаши ҳисобланади," деб таъкидлайдилар ва ушбу кўрсаткични қуйидаги формула орқали ҳисоблашни таклиф этадилар:

$$Ки = \frac{К\ ёки\ Б}{Ми}\ ,^{4} \qquad (1)$$

Бу ерда: Ки – ишлаб чиқариш инфратузилмасига кетган харажатларнинг ўз-ўзини қоплаши;

К ёки *Б* – қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг қиймати;

Ми – ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ишлаб чиқаришга кетган моддий харажатлари.

Бир қатор МДҲ мамлакатлари олимларининг фикрига кўра, инфратузилма тармоғининг самарадорлиги ушбу тармоқ хизматидан фойдаланувчилар соҳаларида шаклланади, одатда ишлаб чиқаришдаги нобудгарчиликни ва харажатларни камайтириш шаклида намоён бўлади[5]. Шу билан бирга, улар тизим ичидаги ва тизимдан ташқари самарага ажратишган. Тизим ичидаги иқтисодий самарадорлик деганда улар янги ташкил этилган инфратузилма тармоғидаги қийматлар йиғиндисини тушунишган. Тизимдан ташқари самара эса – хизмат кўрсатилаётган тармоқларда нобудгарчиликни олдини олиш ёки иқтисод қилинган харажатлар йиғиндиси.

В.П.Стаханов ўз тадқиқотларида инфратузилма тармоғининг умумий иқтисодий самарадорлигини инфратузилма тизими ичидаги ва ташқаридаги самарадорлик йиғиндисининг инфратузилма фаолияти сифатининг пастлиги натижасида кўрилган зарар ва харажатлар йиғиндисига нисбати билан аниқлашни таклиф этган[6].

Ушбу ҳисоблаш услуби қишлоқ инфратузилмасини инновацион ривожлантиришни баҳолаш учун амалий инструмент бўлиб хизмат қила олмайди, балки бошқа амалий ҳисоблаш услубини шакллантиришда модел ёки асос қилиб олиниши мумкин. Ушбу ҳисоблаш услубининг мураккаблиги тизимдан ташқари самара ва хизмат сифатининг пастлиги натижасида кўрилган зарарни баҳолашдан иборатдир. Инфратузилма хизматлар умумтакрор ишлаб чиқариш жараёнининг таркибий қисми бўлиб, ЯИМдан самара ва харажатларни алоҳида айириб олиш анча мураккаб.

Қишлоқ инфратузилмасини инновацион ривожлантиришнинг самарадорлигини баҳолашда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим:

– қишлоқ инфратузилмаси ва ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантириш мақсадида киритиладиган сармояларнинг ўзаро мутаносиб тақсимланганлиги;

– қишлоқ инфратузилмаси объектларини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари;

– инфратузилма объектлари етарли даражада ривожланмаган тақдирда мавжуд ва кутилаётган харажатларнинг манбалари ва миқёсига.

Шуларни инобатга олган ҳолда, инфратузилманинг мавжуд ва инновацион ривожланиши лозим бўлган даражаси аниқланади.


Замонавий иқтисодий шароитларда қишлоқ инфратузилмасини инновацион ривожлантиришни баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

– ушбу кўрсаткичлар ва мезонлар қишлоқ инфратузилма тармоғи бажарадиган вазифаларни тўлиқ акс эттириши лозим;

– кўрсаткичлар тизими тармоққа инновацион ишланмалар, трансфер технологиялар ва бошқа манбаларни жорий этиш жараёнини аниқ кўрсатиб бериши керак;

– баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари инфратузилмани инновацион ривожлантириш натижасида унинг пировард маҳсулотига таъсирини акс эттириши лозим;

1 расм. Иерархик поғоналар бўйича инновациялар ва фан-техника ютуқларини ривожлантириш кўрсаткичлари



– ушбу мезонлар инфратузилманинг ҳар бир субъектининг унинг фаолиятининг якуний натижасига қўшган ҳиссасини аниқ ажратиши ва баҳолаши лозим, яъни ҳар бир кичик бўлинма ўз вазифасининг бажарилиши учун жавобгар бўлиши керак;

– баҳолаш кўрсаткичлари инфратузилма бажарадиган вазифалар ва хизматларини самарали ва сифатли бажаришини рағбатлантириши лозим.

Юқоридаги талаблар ва қишлоқ инфратузилмасини инновацион ривожлантиришни баҳолаш мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда ягона индекслар қийматини ишлаб чиқиш ва ҳисоблашни таклиф этамиз.

Қишлоқ инфратузилмасини инновацион ривожлантиришни баҳолаш индекси мазмун жиҳатдан инновация соҳаси олдига қўйилган вазифаларни бажариш имконини акс эттиради, яъни турли хил янгиликларни яратиш, ўзлаштириш ва тарқатиш, инновацион фаолият натижаларини амалга ошириш чора-тадбирларини ўз ичига қамраб олади. Мазкур индекс шунингдек, истеъмолчиларнинг янгиликлар ва инновацияларни харид қилиш ва улардан фойдаланиш даражасини ҳам акс эттириши лозим.

Қишлоқ инфратузилмасини инновацион ривожлантиришни баҳолашнинг ягона индексни ҳисоблаш учун, аввалambор, уни характерловчи 3 та субиндексларни аниқлашни таклиф этамиз.

Биринчиси – инновацион имконият индекси (I_i) интеллектуал ва ташкилий ресурслар, моддий-техник мажмуаси, меҳнат, информацион ва молиявий ресурсларнинг ҳолати, қуввати ва захирасини характерловчи (тадқиқотлар сони, тадқиқотлар ва ишланмаларга кетган харажатлар, патентларнинг мавжудлиги) кўрсаткичлар ташкил этади.

$$I_i = (K_k+K_m+K_f+K_n)/4, \quad \textbf{(2)}$$

Иккинчиси – истеъмолчиларнинг инновацияга талаб даражаси индекси (I_{td}) истеъмолчилар томонидан интеллектуал маҳсулотларни харид қилиш ва корхона фаолиятида қўллашга тайёргарлик даражаси акс эттирувчи кўрсаткичлар (қишлоқ инфратузилмаси ва аграр соҳаларининг молиявий аҳволи, мутахассисларнинг малака даражаси, корхоналарда номоддий активларнинг мавжудлиги ва улардан фойдаланиши).


$$I_{td} = (K_k+K_m+K_f+K_n+K_{oy})/5, \quad \textbf{(3)}$$

Учинчиси – таркибий индекс бўлиб, (I_t), қишлоқ инфратузилмасини инновацион ривожлантириш жараёнида инновацион инфратузилманинг элементлари ёрдамида бажарилган вазифаларнинг интеграллашуви ва самарадорлик даражасини билдиради (инновацион инфратузилма корхоналарининг сони, ўзаро таъсир этиш ва натижавийлик даражаси)

$$I_t = (K_k+K_m+K_f+K_n+K_{oy}+K_e)/6, \quad \textbf{(4)}$$

Ҳудуднинг ягона индекси – алоҳида индексларнинг ўртача арифметик сифатида ҳисоблаб чиқилади. Ўз навбатида, ҳар бир индекс кўрсаткичлар гуруҳи билан характерланади. Ушбу индексларнинг хусусияти шундан иборатки, ҳар бир ҳудуд бўйича олинган натижалар ўртача республика бўйича мос индекслар билан ёки эталон билан таққослаб чиқилади. Агарда ҳудуд бўйича ҳисоблаб чиқилган у ёки бу индекс бирга ёки бирдан катта қийматга эга бўлса, унда ушбу кўрсаткич бўйича вилоят ўртача республика ёки эталон кўрсаткичлардан юқори даража-

2 – расм. Аграр соҳада инновацияларни ва фан-техника тараққиёти ютуқларини ривожлантиришнинг самарадорлик кўрсаткичлари



да, аксинча бўлса, республика ёки эталон кўрсаткичлардан ортда қолаётганлигини англатади.

Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси соҳасининг самарадорлик кўрсаткичини қуйидаги формула орқали аниқлаш таклиф қилинади:

$$C_и = \frac{C_ф}{X_{ич} + X_м};$$

Бу ерда, $C_и$ – қишлоқ хўжалиги инфратузилмасининг самарадорлик кўрсаткичи;

$C_ф$ – қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси хизматлари кўрсатишдан тушган соф фойда;

$X_{ич}$ – қишлоқ хўжалиги инфратузилмасининг ишлаб чиқаришга кетган моддий харажатлари (асосий фондлар амортизациясини ҳисобга олмаган ҳолда);

Хм – қишлоқ хўжалиги инфратузилма объектларининг муомала харажатлари.

Маълумки, қишлоқ инфратузилмаси бевосита ва билвосита АСМ тармоқларининг ривожланишига ўз таъсирини ўтказади, яъни қишлоқ инфратузилмасини инновацион ривожлантириш натижасида нафақат инфратузилма тармоғининг ўзига ижобий таъсир этади, балки қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сақлаш ва қайта ишлаш тармоқларининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ҳам ўзгаради.

Ушбу иқтисодий самарадорлик кўрсакичларини иерархик поғона (макро-, мезо-, микро-) бўйича классификацияга ажратиш мақсадга мувофиқ. Қайси поғонада харажатлар қилинган бўлса, айнан ўша ердан даромадни ҳам баҳолаш имконини беради (1-расм).

Макродаражада инновациялар кўрсаткичи ялпи ички маҳсулотда инновациялар улуши ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич билан ЯИМ ўртасида бевосита боғлиқлик йўқ. Аммо ривожланган мамлакатлар тажрибасидан кўриниб турибдики, мамлакат қанчалик иқтисодий жиҳатдан ривожланган бўлса, унинг инновацияларга ва инновацион лойиҳаларга ажратилаётган маблағи шунчалик кўп бўлади. Ва шу билан бирга, илмий тадқиқот ишлари ва ишланмаларга ажратилаётган маблағ қанчалик юқори бўлса, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ шунча юқоридир.

Илмий-тадқиқот ишларининг натижаларига асосланган ва тармоқда унинг самарадорлигининг ўсиши, меҳнат унумдорлигини ошиши ва қишлоқда ижтимоий муаммоларни ечимига йўналтирилган инновацияларни жорий этиш натижасида агросаноат мажмуасининг ташкилий-иқтисодий ва техник-технологик янгиланиши рўй беради (2-расм).

Иқтисодий самарадорлик кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлаган ҳолда ишлаб чиқариш муносабатларини амалга оширишдаги маълум бир самарадорликни тавсифлайди.

Қишлоқ хўжалигида инновацияларни ўзлаштиришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш учун қўшимча фойда, қўшимча ялпи даромад, харажатларни тежаш, қўшимча тушум, маҳсулотларнинг таннархи (маҳсулотлар тури бўйича), ишлаб чиқариш рентабеллиги (маҳсулотлар тури бўйича) каби кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Алоҳида экин турлари ёки чорва ҳайвонлари (парранда) турлари бўйича иқтисодий самарадорликни аниқлашда, хўжаликларда маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини нисбий баҳолаш имкониятини берувчи бир гектар экин майдони ёки бир бош чорва ҳайвони (парранда) ҳисобига олинадиган ялпи даромад ва фойда каби кўрсаткичлардан фойдаланиш лозимдир.

Инновацияларни ўзлаштиришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда қўшимча фойда асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Фойда қиймат кўрсаткичи ҳисобланади, шунинг учун фойда динамикасини таҳлил қилишда уни миқдорининг ўзгаришига инфляцион омилларнинг таъсирини ҳам ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун тушум тармоқлар бўйича ўртача маҳсулотлар баҳоси ўсишининг ўртача ҳисобланган индекси бўйича тўғриланади, харажатлар эса сотилган маҳсулотлар бўйича, таҳлил қилинаётган даврда ресурслар истеъмоли баҳоларининг ортиши натижасидаги уларнинг ўсиши миқдорига қисқартирилади.

Инновацияларни ўзлаштиришни янада тўлароқ таҳлил қилиш учун фойда кўрувчи корхоналарнинг умумий фаолияти самарадорлигини тавсифловчи рентабеллик кўрсаткичлари қўлланилади, чунки, турли йўналишдаги фаолиятларнинг даромадлилиги ўта муҳимдир. Рентабеллик кўрсаткичларининг зарурияти шундаки, бу кўрсаткичлар олдиндан режалаштирилган ёки фойдаланилган ресурсларнинг самарадорлик билан нисбатини кўрсатган ҳолда хўжалик субъектларининг якуний натижаларини нисбатан аниқроқ тавсифлайди.

Инновацияларни ўзлаштириш самарадорлигини янада мукаммалроқ таҳлил қилиш учун юқорида кўрсатиб ўтилган кўрсаткичлар тизимига киритилмаган, қуйидаги иккита кўрсаткичларни ҳам ҳисобга олиш таклиф этилади. Бу инновацион лойиҳаларнинг рақобатбардошлилиги ва патент-лицензиявий баҳолашдир. Ушбу кўрсаткичларнинг зарурийлиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг бозор муносабатларига кириб бораётганлиги, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида рақобатнинг кўчайиб бораётганлиги билан изоҳланади. Кўрсаткичларнинг биринчиси ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлилигини, иккинчиси – янги турдаги патентланган маҳсулотнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш имкониятини беради.

Сайёра ХАМРАЕВА,
ҚарМИИ "Иқтисодиёт"
кафедраси катта ўқитувчиси,
и.ф.н.

---

[1] Экономические проблемы инфраструктуры. - Вильнюс, 1981. - С. 26 - 32.

[2] Стукач В.Ф. Региональная инфраструктура АПК / В.Ф. Стукач. - Омск: Изд-во ОмГАУ, 2003. - 320 С.

[3] Орипов М.А. Ўзбекистон деҳқончилигида ишлаб чиқариш инфратузилма хизматлари кўрсатишни ривожлантириш: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2011й.–13 б.

[4] Салимов Б.Т., Ўрақов Н. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти (ўқув қўлланма). –Т.: ТДИУ, 2003 – 19 б.

[5] Гребнев Е.Т. Совершенствование управления производственной инфраструктурой и его эффективность: учеб. пособие / Е.Т. Гребнев, Н.А. Нестеров. - М : МИНХ, 1983. - С. 9-12.; Канин В.Г.Финансирование капитальных вложений в инфраструктуру / В.Г. Канин. - М.: Финансы и статистика, 1987. - 80 С.; Пестеров Н.А. Производственная инфраструктура и эффективность управления / Н.А. Нестеров. - М.: 1986.; Носова С.С. Производственная инфраструктура в системе государственного монополизма / С.С. Носова. - М., 1983.

[6] Стаханов В.Н. Экономика инфраструктуры общественного производства // В.Н. Стаханов. - Ростов н/Д, 1989, С 87.

Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва такомиллаштиришда аграр секторнинг аҳамияти



Республикамизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнида, аграр секторни ислоҳ қилишга катта аҳамият берилмоқда. Чунки аграр сектор, ёш мустақил давлатимизни ҳозирги модернизациялаш шароитида саноат потенциалини ушлаб турган асосий тармоқ бўлиб ҳисобланади. Бу борада олиб борилган чора-тадбирларнинг самараси ўлароқ, кейинги йилларда бир қатор ижобий натижаларга эришилди. Жумладан, аграр соҳада ислоҳотларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари яратилди, мулкчилик ва хўжалик юритиш шакллари ўзгартирилди, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг асосий қисми нодавлат секторга ўтказилди.

Бугунги кунга келиб Президентимиз раҳнамолигида олиб борилган изчил ислоҳотлар натижасида, пахта майдонлари 1.3 млн. гектаргача қисқартирилиб, ғалла майдонлари 1.1 гектаргача етказилди. Пахтадан бўшаган ерларда янги боғ ва узумзорлар барпо этила бошланди, сабзавот, полиз ва озуқа экинлари майдонлари ҳам кенгайди. Қилинган ишларни қуйидаги ҳолат билан таққосласак, мамлакатда олиб борилаётган ишларни тўғрилигини яна кўришимиз мумкин.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ташкилоти (ФАО)нинг маълумотларига кўра, бугунги кунда дунёдаги 86 та давлат ўз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлай олмайди. Ўзбекистонда эса ўзини 100 фоиз таъминлаб, экспортга ҳам маҳсулот чиқарилади.

Кейинги йилларда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйиш орқали қўшимча қиймат яратиш, маҳсулот ишлаб чиқаришда янги технологияларни қўллаш натижасида юқори иқтисодий самарадорликка эришиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган 5 йил давомида мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 17 маротаба ошиб, 2010 йилда 11 млн. 920 минг тоннани ташкил қилди Шундан 1 млн. 271 минг тонна ёки 14 фоиз маҳсулотлар қайта ишланди. Бугунги кунга келиб етиштирилган сабзавотнинг 11,3 фоизи, меванинг 18,2 фоизи ва узумнинг 24,4 фоизи қайта ишланмоқда. Бу, ўз навбатида, маҳсулотга қўшимча қиймат яратиш ва юқори даромад олиш имконини беради.

Ҳукумат дастурига асосан, жорий йилда мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш 17 млн. 300 минг тонна ёки ўтган йилга нисбатан 145 фоиз кўпроқ маҳсулотлар ишлаб чиқариш режалаштирилган.

2011 йилда ишлаб чиқарилган мева-сабзавот маҳсулотларининг 1 млн. 427 минг тоннаси қайта ишлашга, 450 минг тоннаси қайта ишлашга ва экспортга, 1 млн. 466 минг тоннаси Тошкент шаҳри ва бошқа ярмарка бозорларида сотиш, 562 минг тоннаси бюджет ташкилотларига ажратилиб, қолгани ички истеъмол учун етказиб берилди. Дастурни амалга ошириш учун, фермер ва деҳқон хўжаликлари аҳоли томорқаларида маҳсулотларни экилиши устидан мониторинг ўрнатилди. Экиш учун зарур бўлган уруғлик, минерал ўғит, ёнилғи мойлаш маҳсулотлари, кўчатлар етказиб беришнинг оптимал тизими яратилди.

Баҳорги мавсумда майдонлар ва боғ қатор оралиғига 230 минг майдон гектарга сабзавот, 80 минг 600 гектарга картошка, 57 минг гектар полиз экинлари экилди. Ўтган йилга нисбатан мева-сабзавот экинлари қарийб 60 минг гектарга кўп экилди. 2010 йилда мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт кўрсаткичлари 2006 йилга нисбатан деярли 4-5 баробарга кўпайди ва бу йилгиси 30 фоизга кўпайди.

Республикамиздаги мавжуд 236 минг гектар боғларнинг 12 минг 260 гектари, мавжуд 133 минг гектар токзорларнинг 6 минг гектари

қайта реконструкция қилинди.

Жами 14 минг, 600 гектар янги боғ ва 5 минг 300 гектар янги токзорлар барпо этилди. Бундан ташқари, 2400 гектар интенсив мевали боғлар барпо этилди. Интенсив мевали боғлар 2 йилда ҳосилга киради ва 4-5 йилда гектаридан 50-60 тоннагача ҳосил олишга эришилади.

Тоғ ва тоғли ҳудудларда янги боғ ва токзорлар барпо этиш билан ушбу ҳудудларда махсулотларни қайта ишлайдиган кичик ҳажмли цехлар қуриш, сақлаш, қадоқлаш, минитехнологияларни ўрнатиш ҳисобига маҳаллий аҳоли иш билан таъминланади.

Мева-сабзавотчиликни ривожлантириш мақсадида Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш фонди орқали (МФСР) 22 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит линиясини очиш бўйича келишувлар мавжуд. Бу ташкилотнинг кредит линиялари ҳисобига имтиёзли равишда 0,75 фоиз йиллик ставка билан 25-30 йилгача кредитлар ажратилган. Бундан ташқари, Жаҳон банки билан биргаликда, соҳани ривожлантириш учун, 110 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит линияларини ажратиш учун амалий ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг республика ҳукуматининг 2011 йил 21 январдаги мажлисида "Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади" номли маърузасида қайд этилган қоида, хулоса ва кўрсатмалар, белгилаб берилган 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим 7 та устувор вазифалари вазирлик, тизимдаги барча корхона, ташкилот ва муассасалар фаолиятида дастуриламал сифатида қабул қилиниб, соҳанинг барча тармоқларини модернизация қилиш, замонавий агротехнологияларни жорий этишни таъминлайдиган чора-тадбирлар комплекси амалга оширилиши натижасида қуйидаги кўрсаткичларга эришилди, жумладан: амалдаги баҳоларда 1 трлн. 407,1 млрд. сўмлик ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қиёслама баҳоларда 5,8 фоизлик ўсишга эришилди; вазирлик тизимида қиёслама баҳоларда 16,7 млрд. сўмлик (ўсиш даражаси 7,2 фоиз) саноат маҳсулоти ва 1 млрд. 489,8 млн. сўмлик (12,3 фоиз) халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилди.

"Мамлакатнинг 2011 йил товарлар ва хизматлар экспорти дастури" доирасида чораклик прогнозга нисбатан 2,8 баравар кўп миқдорда маҳсулот экспорт қилинди. Лимит доирасида 73,5 млрд. сўм, 103.4 фоиз ҳажмида давлат капитал қўйилмалари ўзлаштирилиб, 53.9 млрд. сўмлик, 102.2 фоиз қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 29 декабрдаги "Ўзбекистон республикасининг 2011 йил Инвестиция Дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ республика ҳукумати кафолати остида Манзилли дастурлар доирасида вазирлик томонидан умумий қиймати 531,90 млн. доллар бўлган 9 та лойиҳа бўйича хорижий инвестиция жалб этилмоқда. Жумладан, ҳисобот даврида 17,03 млн. доллар (100,0 фоиз) маблағ жалб этилиб, унинг 13,55 млн. доллари ёки 79,6 фоизи ўзлаштирилди. Фермер хўжаликлари, агрофирмалар, қайта ишлаш корхоналари томонидан охирги 5 йил ичида 201 та мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича янги технологик линиялар ўрнатилди.

Мева-сабзавотчилик, полизчилик, узумчилик ва картошкачиликни ривожлантириш ва соҳани 2011 йилда модернизация қилиш бўйича қуйидагилар амалга оширилди.

– Боғдорчилик соҳасини ривожлантириш мақсадида пакана ва ярим пакана мевали кўчатларини кўпайтириш учун жами 16 млн. пайванд олиб келинди. Маълумот учун Самарқанд вилояти "Лаззат мева" ва "Оқтош мева" қўшма корхоналарига 800 минг дона, Тошкент вилояти "Миришкор Сайфутдинова Хонзода" фермер хўжалигига 400 минг дона, "Мева шарбат" боғдорчилик-узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш корпорациясига 400 минг дона, пайванд олиб келинди. Бунинг натижасида 2013 йилнинг кузида 4 млн. дона, 2014 йил кузида 8 млн. дона, 2015 йилда 16 млн. дона кўчатлар тайёрланади. Кўчатлар четдан сотиб олинса, 1 дона кўчат нархи 2,5 минг сўмдан бўлганда жами 78 млрд. сўмга тушади. Кўчатлар маҳаллий шароитда етиштирилса 139 млрд. сўм тежалади, валюта сарфланмайди ҳамда қўшимча иш ўринлари яратилади.

– Картошка уруғчилигини ривожлантириш мақсадида Тошкент, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида вируссиз уруғлик картошка етиштириш биотехнология лабораториялари ўрнатилади. Натижада 2012 йилда 1 минг тонна, 2013 йилда 5 минг тонна, 2014 йилда 20 минг тонна супер-элита уруғлик картошка етиштириш имкониятлари яратилади Бунинг натижасида уруғлик картошка янгилаб борилади ва қайта ишлаш натижасида хар йили 25 млрд. сўмдан зиёд маблағ тежалади.

– Қиш ва баҳор ойларида аҳолини мева маҳсулотлари билан таъминлаб бориш мақсадида республикамизда Хитойча усулда, яъни иситиш воситаларисиз иссиқхоналар ташкил этиб, уларда мева етиштириш ва тувакларда мева кўчатларини ўстириб мева етиштириш йўлга қўйилади. Бунинг учун "Мева шарбат" боғдорчилик-узумчилик ва вино ишлаб чиқариш корпорациялари ҳудудидан 2 гектар ер майдони ажратилиб иссиқхоналар қурилади ва йил давомида мева етиштириш усуллари жорий этилади. Натижада ҳудудлардаги фермер ва деҳқон хўжаликлари учун ўқув базаси ташкил этилади. Шу орқали замонавий технология усулларини барча ҳудудларда амалга ошириш йўлга қўйилади.

– Сабзавот ва полиз уруғчилиги тизимини ривожлантириш мақсадида, ҳар бир вилоятда камида 4-5

тадан уруғчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ташкил этилади ва туман ҳокимларининг қарорлари билан уруғчиликка иҳтисослашуви белгилаб қўйилади. Сабзавот ва полиз уруғчилиги бўйича селекция ишлари олиб борилади. Бунда, фермер ва деҳқон хўжаликларини юқори ҳосил берадиган сифатли сара ва супер элита уруғликлар билан таъминлаб бориш мақсадида Ўзбекистон сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтига биотехнология лабораторияси сотиб олиб ўрнатилади. Ушбу биотехнология харажатлари "Мева-сабзавотчилик ва узумчиликни ривожлантириш" фонди маблағлари ҳисобидан қопланади. Натижада Ўзбекистон Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти филиаллари томонидан 2011 йилда 20,5 тонна, 2012 йилда 45,5 тонна, 2013 йилда 50 тонна супер-элита ва элита сабзавот ва полиз экинлари уруғлари етиштирилади.

– Республикада мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш бўйича 2011-2015 йилларда жами 120,8 минг тоннадан ортиқ ҳажмли замонавий музлаткичли омборхоналар қурилади. Бунинг натижасида, аҳолини мева-сабзавот маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаб борилади, бозорлардаги нарх-наволар барқарорлиги сақланади, мамлакат экспорт салоҳиятини оширишга эришилади ва янги иш ўринлари яратилади. Аҳолини қиш мавсумида узлуксиз сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаб бориш мақсадида 232 гектар майдон енгил конструкцияга асосланган замонавий иссиқхоналар қурилади.

Маълумки, бугунги кунда республика бўйича жами 4,3 млн. гектар суғориладиган майдонларда қишлоқ хўжалиги экинлари етиштирилади. Айниқса, кейинги йилларда ирригация тизимини ривожлантириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш орқали экинларнинг ҳосилдорлигини оширишга қаратилган янгича тизим шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 ноябрдаги "2011 йилда мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз ва узум ишлаб чиқариш ҳамда улардан фойдаланиш прогноз параметрлари тўғрисида"ги 261-сонли қарорида сабзавот 6605 минг тонна, полиз 1225,5 минг тонна, картошка 1832,9 минг тонна, мева 1746,8 минг тонна, узум 998,9 минг тонна маҳсулотлар етиштириш белгиланган. Республика бўйича барча тоифа хўжаликларида 2011 йилда асосий майдонга ва боғ-токзорлар қатор оралиқларга жами 214 минг гектар сабзавот (сабзи, помидор, пиёз, карам ва бошқа экинлар), 72 минг гектарга картошка ва 51 минг гектарига полиз экинлари экиш белгиланган бўлиб, 231 минг гектар сабзавот, 57 минг гектар полиз ва 81 минг гектар майдонга картошка экинлари экилган. Режалаштирилган майдонларга сабзавот, полиз ва картошка экинлари тўлиқ экилиб, шунингдек, кечки муддатларда сабзавот ва картошка экинлари экиш давом эттирилмоқда.

Талаб этиладиган 1,9 минг тонна сабзавот уруғи, 430 тонна полиз уруғи, 342 минг тонна уруғлик картошка етказиб берилмоқда ҳамда таъмирталаб боғ-токзорлар ораларига ва янги боғ-токзорлар барпо этиш учун 14,4 млн. дона мевали дарахтлар, 12,1 млн. дона ток кўчатлари ўтказилган. Мева-узум маҳсулотларини кўпайтириш, сифатли маҳсулотлар етиштириш мақсадида жорий йилда республика бўйича 14,6 минг гектар мевали боғлар, 5,3 минг гектар янги токзорлар ҳамда 2,4 минг гектар пакана ва ярим пакана мевали боғлар барпо этилган. Бундан ташқари, республика бўйича 12,3 минг гектар боғ ҳамда 5,4 минг гектар токзорлар қайта реконструкция қилинган. Республикада мавжуд 235 минг гектар майдондаги боғлардан 185 минг гектари ҳосилли боғлар, 128 минг гектар майдондаги токзорлардан 113 минг гектари ҳосилли токзорларда бугунги кунда улардан сифатли ва юқори ҳосил олиш учун ўз муддатларида агротехник ишловлари олиб борилмоқда.

2011 йил 1 июлгача етиштирилган маҳсулотлар: сабзавот – 1675,1 минг тонна, картошка – 874,8 минг тонна, полиз – 107,8 минг тонна, мева – 582,3 минг тонна, узум – 15,7 минг тонна ишлаб чиқарилган. Прогноз кўрсаткичларда белгиланган ҳажмлардаги маҳсулотларни асосий қисмини йиғиб олиш давом эттирилмоқда.

Ўзбекистонда аҳоли сони 1990 йилларда 20,0 млн. кишини ташкил этган бўлса, ўртача жон бошига 0,20 га суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари тўғри келган бўлиб, бу кўрсаткич 2010 йилда 0,15 гектарни ташкил қилди ва 2030 йилга бориб эса бугунги кундаги ер майдонлари ҳажми камаймаган тақдирда ҳам, фақат аҳоли сонининг ўсиши ҳисобига жон бошига 0,12 га майдон тўғри келиши кутилмоқда. Бу келгусида аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш масаласи янада мураккаб бўлишидан далолат беради. Бундай ҳолатда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг энг мукаммал йўли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда интенсив агротехнологияларни қўллашдир.

Бу масалага Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2010 йил якунлари ва 2011 йилдаги асосий вазифаларга бағишланган мажлисда алоҳида тўхталиб, "Саноат тармоқларини модернизация қилишни тушунишга ўрганиб қолганмиз. Ҳолбуки, саноат билан бир қаторда иқтисодиётмизнинг қишлоқ хўжалиги каби етакчи соҳасини ҳам модернизация қилиш унинг таркибига кирадиган деярли барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларини бутун комплексида техник ва технологик янгилаш ишларини амалга оширишга катта эҳтиёж сезилмоқда" деб таъкидлади.

Мазкур вазифалар доирасида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш бўйича 6 та йўналишда қарор лойиҳалари ишлаб чиқилди:

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда, янги замонавий интенсив агротехнологияларни қўллаш;

– ерларнинг мелиоратив ҳолатини ва сувдан самарали фойдаланиш орқали тупроқ унумдорлигини ошириш;

– чорвачиликни ривожлантириш;

– қишлоқ хўжалигини янги, замонавий, юқори унумли ва тежамкор техникалар билан таъминлаш;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни ривожлантириш;

– қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш.

Ушбу йўналишлар бўйича қуйидаги натижаларга эришилади. Агрофирмалар бўйича. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2011 йилда 267 та агрофирма фаолият юритади. Республикада агрофирмалар томонидан маҳсулот етиштирувчи фермер хўжаликлар билан жами 1608 минг тонна мева-сабзавот, полиз, узум ва картошка маҳсулотлари сотиб олиш бўйича шартномалар тузилган. Агрофирмалар томонидан маҳсулотлар етиштирувчи субъектларга тузилган шартномалар асосида 39,6 млрд. сўмлик бўнак маблағлари берилган. Маҳсулот етиштирувчи субъектлардан тузилган шартномалар асосида агрофирмалар томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиб, ушбу маҳсулотларни тайёрловчи корхоналарига тузилган шартномалар асосида етказиб берилмоқда.

Аграр соҳанинг асосий бўғини фермер ва деҳқон хўжаликларидир. Чунки улар бевосита қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиради ва бу хўжаликлар ўз ерида ёки ижарага олинган ерда иш юритишади. Бунда мулк эгаси фермернинг ўзи ва оила аъзолари ҳисобланиб, айрим ҳолларда ёлланма меҳнатдан фойдаланиш ҳам мумкин.

Фермер хўжалигининг афзаллиги шундан иборатки, унда мулк ва меҳнат бевосита қўшилади, бу эса юқори самарани таъминлайди. Фермер хўжаликлари мустақил тузилма бўлганлиги сабабли ўз фаолиятини бозор конъюнктурасига тез мослаштира олади. Унда иқтисодий манфаат ва пировард натижа учун масъулият битта фаолиятнинг икки томонини ташкил қилади. Буларнинг ҳаммаси фермер хўжалигининг яшовчанлигини таъминлайди.

Республикада ислоҳотларни амалга оширишнинг дастлабки босқичларидаёқ Президентимиз И.Каримов фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асоси сифатида фаолият кўрсатиши лозимлигини таъкидлаб ўтган эди. Шу сабабли, республикамизда қишлоқ хўжалигини фермерлаштириш аграр ислоҳотларнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Фермер хўжалиги барча ташкилий шаклларининг умумий томони шундаки, улар ижарага олинган ерда фаолият кўрсатади. Фермер ва деҳқон хўжаликларини ташкил қилиш, ривожлантириш ва улар фаолиятини тартибга солиш Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги, «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонунларга, ҳукумат қарорларига ҳамда қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга асосланади. Бу қонун ҳужжатларида фермерларга ажратилган ерларни мерос қилиб қолдириш шарти билан узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилди. Шу билан бирга, фермер хўжаликлари учун ерларнинг унумдорлигини сақлаш ва оширишда давлат томонидан кафолатлар яратиш йўли билан уларни ҳимоялаш тизими вужудга келтирилди.

Республикада фермер хўжаликлари самарали ишлаши учун зарур хизмат кўрсатувчи инфратузилма – машина-трактор парклари, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари, таъмирлаш устахоналари, тайёрлов пунктлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналар тизими шаклланди.

Ўзбекистон миллий иқтисодиёти ва унинг муҳим бўғини – моддий ишлаб чиқариш соҳаси бозор иқтисодиётининг кўп укладли шаклланиш даврига кирди. Бунда товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатлар пировард натижада қиймат қонуни, талаб ва таклиф, рақобатни ҳисобга олиш, харидорлар манфаати устуворлиги асосига қурилади. Аммо агросаноат мажмуида амал қилаётган ўзаро муносабатлар механизми ҳали тўлиқ модернизациялашмаган.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароити хўжалик юритишнинг ишлаб чиқариш корхоналари иқтисодиётини юритиш усулларига янгича ёндашишни талаб этади. Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётида етакчи ўринни эгаллайди. Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг салмоқли қисми шу соҳада етиштирилади. Аҳолининг 64 фоизидан ортиғи қишлоқларда яшайди. Шунинг учун қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида қатор қонунлар, фармонлар ва қарорлар қабул қилинди, натижада ушбу соҳада улар ўз самарасини бера бошлади. Шулар орасида Президентимизнинг 2003 йил 24 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўллари тўғрисида»ги Фармони қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда муҳим роль ўйнади. Мазкур фармон қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг асосий субъекти сифатида фермер хўжалигини ривожлантиришнинг устувор йўналиши деб белгилаб берди. Шундан сўнг фермер хўжаликлари сони ҳам, улардаги ишлаб чиқариш ҳажми ҳам кескин ўсди ва ўсиб бормоқда.

Шодиябону ХОДЖАЕВА.

Фермер хўжаликларини ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш омиллари



ЎЗБЕКИСТОН АГРАР СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧИДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШДА РАҚОБАТ МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ УЛАРНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ, МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРИШДА ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ МУВОЗАНАТИГА ЭРИШИШ, ИЧКИ ВА ТАШҚИ БОЗОРДА САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ ЮРИТУВЧИ МЕХАНИЗМЛАРНИ КЕНГ КЎЛАМДА ЖОРИЙ ҚИЛИНИШИ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРДАН ҲИСОБЛАНАДИ.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришини ва унинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида истиқболда ҳар битта хўжалик юритувчи субъектнинг рақобатбардошлигини аниқлаган ҳолда иқтисодий самарадорлигини оширишнинг ташкилий ва иқтисодий масалаларни ҳамда рақобатбардошликнинг асосий йўналишларидан фойдаланишнинг мавжуд муаммолари, камчиликлари ва номутоносибликларни мажмуавий шаклида чуқур тадқиқ этишни тақоза этади. Ваҳоланки, қишлоқ хўжалигида барқарор иқтисодий ўсишга эришиш аксарият жиҳатдан фермер хўжаликларининг рақобатбардошлигига боғлиқ. Шунинг учун аграр сохада истиқболда белгиланган вазифаларни амалга оширишда фермер хўжаликларини ривожлантиришда янги фермер хўжаликларини ташкил этиш эмас, балки уларнинг эркин рақобат муҳитида ривожланишини таъминлаш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда фермер хўжаликлари қишлоқда етакчи бўғинга – қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий кучга айланди. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотда уларнинг улуши 2000 йилдаги 5,5 фоиздан 2011 йилда 35 фоизга, экин майдонларидаги улуши мос равишда 16,7 фоиздан 84,4 фоизга ошиб, 2011 йилда пахта етиштиришдаги улуши 99,1 фоизни, ғалла тайёрлашда эса 81,5 фоизни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида таъкидлаганидек: “Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни сўзсиз исботлаб бермоқдаки, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривож-

ланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин"[1]. Шу нуқтаи назардан ҳам иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида фермер хўжаликларининг рақобатбардошлигини ошириш учун рақобат муҳитини шакллантириш бўйича кенг қамровли таҳлилларни амалга ошириш орқали истиқболда ушбу жараённинг устувор йўналишларини аниқлаш бугунги кунда энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг "**Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китобида** таъкидлаганидек, "Шу билан бирга, ўтган давр мобайнида орттирган тажрибамиз фермерликни янада ривожлантириш учун бир қатор жуда муҳим муаммоларни, хусусан, фермер хўжаликларининг барқарорлиги, энг муҳими, уларнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишни қатъий талаб этмоқда".[2] Ушбу масала жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида янада долзарбдир. Шунинг учун ҳам мамлакат даражасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар бевосита хўжалик юритиш субъектлари фаолиятида ҳам ўзининг аксини топмоғи керак. Ваҳоланки, инқироз иқтисодиётнинг барча бўғинларига таъсир этиши аксарият жиҳатдан хўжалик юритиш субъектлари фаолиятига ҳам ўзининг бевосита салбий таъсирини кўрсатади.

Стратегик ёндашув келажакка интилишни ва мақсадини белгилашни назарда тутиб, хўжалик юритиш субъекти раҳбариятини ривожланишини қандай босқичда эканлигини аниқ тасаввур қилишини талаб этади. Бунинг учун эса ўтмиш, ҳозирги ва келажакдаги ҳолатларни таҳлил этиш учун самарали маълумотлар тизими мавжуд бўлиши лозим.

Тактикавий ёндашув эса, вужудга келган молиявий қийинчиликлар ва хўжалик юритиш субъектларининг фаолиятини самарадорлигини ошириш учун бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган тезкор чораларни амалга оширишни тақазо этади.

Биринчи ёндашув, жорий ижтимоий ҳаракатларни камайтириб, мавжуд муаммоларни ҳал этилишини узоққа чўзилишига олиб келса, иккинчи ёндашув эса, юқори ижтимоий харажатларни талаб этади ва муаммоларни ҳал этишни тезлаштиради. Шунинг учун ҳам фермер хўжаликларининг даражасида инқирозга қарши бошқариш стратегиясини шакллантириш босқичма-босқич амалга оширилмоғи лозим. (1-расм)

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон шароитида инқирозни бартараф этишда республикада мавжуд ҳолатдан келиб чиққан ҳолда фермер хўжаликларининг инқирозга қарши бошқариш стратегияси қуйидагича бўлиши мақсадга мувофиқдир.

1-босқич. Инқирозга қарши тезкор бошқариш**.**

Ушбу босқичда фермер хўжаликларининг молиявий барқарорлиги ва тўлов қобилиятини пасайтиришни бартараф этиш ҳамда олдини олиш каби инқирозга тааллуқли омилларга асосий эътибор қаратилиши лозим.

2-босқич. Инқирозга қарши жорий бошқариш.

Бунда маҳсулот рентабеллигини ошириш ва фермер хўжаликларининг инвестицион жозибадорлигини яхшилаш бўйича иқтисодий тадбирларни жорий этиш энг самарали усул ҳисобланади.

3-босқич. Инқирозга қарши ўрта муддатли бошқариш эса 3-5 йил мобайнида амалга оширилади ва молия-иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, моддий ва меҳнат сарф-харажатларини

1-расм. Фермер хўжаликларининг инқирозга қарши бошқариш стратегиясини шакллантириш босқичлари



қисқартириш ҳамда замонавий агротехнологияларни жорий этишга устуворлик берилади.

Ўзбекистон шароитида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини бартараф этиш учун ҳозирги вақтда фермер хўжаликлари фаолиятини барқарор ривожлантиришда қуйидаги тадбирларга устуворлик берилиши мақсадга мувофиқдир:

– бозор нархлари конъюнктураси талабларидан келиб чиққан ҳолда фермер хўжаликларида ишлаб чиқарилаётган махсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва тежашнинг аниқ тадбирларини жорий этиш;

– фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектлари ишини янада ривожлантириш;

– бугунги кунда жаҳон миқёсида кузатилаётган озиқ-овқат муаммоси салбий оқибатларининг олдини олиш мақсадида, қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришдаги оптимизациялаш, илм-фан тавсияларидан самарали фойдаланиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш.

Ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш пировардида фермер хўжаликларининг замонавий инновацион агротехнологияларни жорий қилиш орқали барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Шу нуқтаи назардан ҳам аграр ислоҳотларнинг ҳозирги босқичининг асосий вазифаси – ички бозорда истеъмолни ўсиши ва ташқи бозор конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантириш ҳисобланади. Бу эса «Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш асосида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш даражасини оширишни ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган Дастури» ишлаб чиқилишини тақазо этади. Ушбу дастур агроозиқ-овқат секторини иқтисодиётни барча тармоқлари билан комплекс ва мутаносиб ривожланишини таъминлаш, ишлаб чиқиладиган қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш стратегияси билан қишлоқда турмуш даражасини юксалтириш ва уларнинг сифатини ошириш, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш ва фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни макроиқтисодий барқарорлик билан ўзаро боғлиқлигини таъминлаш тамойилларига асосланмоғи зарур. Дастурда қуйидагилар ўз аксини топмоғи лозим:

– аграр тармоқни ривожланиш тенденцияси, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш даражаси ва **қишлоқда турмуш даражасини юксалтириш** ва қиёфасини яхшилашнинг чуқур таҳлили, макроиқтисодий номутаносибликлар ҳамда мавжуд муаммоларни аниқлаш;

– қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш даражаси ва **қишлоқда турмуш даражасини юксалтириш** ва қиёфасини яхшилаш, ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, сув хўжалиги инфратузилмасини модернизация қилиш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни ички захиралари ва янги манбаларини аниқлаш;

– қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш даражаси ва **қишлоқда турмуш даражасини юксалтириш** ҳамда қиёфасини яхшилашни ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичларини ҳамда йўналишларини асослаш;

– қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш асосида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш даражасини ошириш стратегиясини самарали ҳуқуқий-иқтисодий ва ташкилий механизмларини ишлаб чиқиш

Р.Х.ЭРГАШЕВ,
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти "Иқтисодиёт" кафедраси профессори.
А.Д.РАВШАНОВ,
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти "Иқтисодиёт" кафедраси катта ўқитувчиси.

---


[1] И.А. Каримов "2012 йил – Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади". 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // "Халқ сўзи", 2012 йил 20 январь.

[2] И.А. Каримов "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари". Т.- "Ўзбекистон". 2009. 22-б.

Биржа Эксперт

ВНИМАНИЮ

РУКОВОДИТЕЛЕЙ, ЭКОНОМИСТОВ, ПРЕДПРИНИМАТЕЛЕЙ И МОЛОДЫХ УЧЁНЫХ!



С января 2008 года начался выпуск экономического научно-популярного ежемесячного журнала «Биржа Эксперт» – приложения к республиканской экономической газете «Биржа».

Подпишитесь на журнал «Биржа Эксперт», и вы станете обладателем достоверного источника экспертной информации.

На журнал можно подписаться через отделения ОАО «Узбекистон почтаси», АК «Matbuot tarqatuvchi» и другие подписные агентства.

Также вы можете оформить прямой договор с ООО Издательским домом "Биржа". Подписной индекс – 1169.

Дополнительная информация по телефонам: (99871) 259-21-96, 259-22-06.

Об эффективности малых шелковых предприятий



В республике уделяется большое внимание развитию малого бизнеса и частного предпринимательства. Как отметил Президент Республики Узбекистан И.А. Каримов: «…исключительно важную роль играют малый бизнес и частное предпринимательство в формировании современной структуры экономики, обеспечивающей удовлетворение быстро меняющегося спроса, создание новых рабочих мест и рост доходов населения. Достаточно отметить, что в 2011 году доля этой сферы в ВВП составила 54%, общий объем экспорта – 16,3%, что составляет более чем 2 млрд. долларов США. Только в 2011 году в этой сфере организовано более чем 610 тысяч рабочих мест. Это составляет 64% от общего числа новых рабочих мест»[1].

Государством в 2011 году принята программа «Год малого бизнеса и частного предпринимательства», предусматривающая:

создание в стране и регионах республики максимально благоприятной бизнес-среды, дальнейшее совершенствование законодательства, направленного на укрепление приоритета частной собственности, обеспечение ей надежных гарантий, предоставление большей свободы предпринимательству;

создание максимума благоприятных условий, льгот и преференций по налоговым и другим платежам;

дальнейшее совершенствование механизма и увеличение объемов кредитования, в первую очередь кредитов на инвестиционные цели, формирование стартового капитала, среднесрочных и долгосрочных кредитов для модернизации и технологического обновления производства;

широкое привлечение и направление на развитие малого бизнеса иностранных инвестиций, прежде всего льготных кредитов международных финансовых институтов и прямых инвестиций;

стимулирование внедрения в производство субъектами малого бизнеса и частного предпринимательства инновационных технологий [2].

Несмотря на осуществляемые в последние годы меры по модернизации шелкомотальных предприятий с обновлением их технологических процессов, до настоящего времени удельный вес глубокой переработки выпускаемой ими продукции остается низким и, как следствие, значительная часть производимого шелка-сырца и отходов шелкомотания экспортируется в виде сырьевой продукции. Создание малых шелковых предприятий (МШП) в определенной степени способствует решению данной проблемы (рис.1).

Как видно из диаграммы, удельный вес продукции, выпущенной на МШП, ежегодно увеличивается. В 2010 году он составил около 25%.

Рис. 1. Динамика объема выпуска продукции в шелковой отрасли, млн. сум.



При этом для рационального использования МШП с включением процессов заготовки и первичной обработки коконов основное внимание следует обратить на осуществление следующих мер:

тщательную техническую подготовку производства на основе обоснованного выбора ассортимента выпускаемой продукции, подбор необходимого сырья и вспомогательных материалов, разработку рационального плана технологического процесса, установление технических нормативов сырья, материалов и составление технологической документации по всем переходам производства;

оснащение шелкомотальных участков механическими кокономотальными станками КС-10, отличающимися простотой конструкции, удобством в обслуживании, малыми расходами электроэнергии, пара и воды. Это очень важно в условиях рынка;

расширение технологических цепочек на малых предприятиях – установление шелкокрутильных машин и шелкоткацких станков для выработки различных крученых нитей и шелковых тканей;

введение первичной обработки шелковых отходов по технологической цепочке для получения полуфабрикатов-холстов и сухой куколки для реализации.

Для положительного решения данного вопроса прежде всего требуется осуществить ряд подготовительно-организационных и хозяйственно-финансовых мер, таких как разработка ряда научно обоснованных вариантов проектов малых шелковых предприятий.

При этом эффективность обеспечивается за счет таких показателей эффективности:

при загрузке первичной обработки коконов – коэффициент усушки, удельный вес сортовых коконов, себестоимость сортовых коконов;

в шелкомотании – выход шелка-сырца, производительность труда, себестоимость шелка-сырца, удельный вес шелка-сырца I сорта;

в шелкоткачестве – расход сырья, производительность труда, себестоимость ткани, удельный вес продукции I сорта;

в швейно-трикотажных производствах – расход сырья, производительность труда, себестоимость изделий, прибыль.

При организации МШП одним из основных факторов, формирующих эффективность деятельности, является размещение предприятий.

Целесообразно создавать МШП вблизи источников сырьевых и трудовых ресурсов. За счет сокращения перевозки коконов на дальние расстояния снижаются затраты транспортировки, улучшается их качество, повышается рентабельность и эффективность производства.

Для оптимизации размещения МШП целесообразно учитывать все факторы, влияющие на повышение эффективности производства натурального шелка, на основе использования методов экономико-математического моделирования. При этом следует учитывать и расстояние перевозки коконов от баз первичной обработки до пункта переработки. Критерием оптимизации являются затраты на транспортировку коконов и производство шелка-сырца, которые необходимо минимизировать.

Для описания экономико-математической модели введем обозначения:

BP – индекс баз первичной обработки коконов (ПОК);

l – индекс МШП;

X_{pl} – сухие коконы, поставляемые *l*-му МШП из *p*-й базы ПОК;

ZT_{pl} – затраты на транспортировку 1 т коконов, поставляемых *l*-м МШП;

ZP_{pl} – все затраты на производство 1 т шелка-сырца на *l*-м МШП;

VS_p – объем сухих коконов на *p*-й базе ПОК;

r_{pl} – расстояние перевозки от *p*-й базы ПОК до *l*- го МШП;

KS_{pl} – количество сухих коконов, поставляемых из *p*-й базы ПОК до *l*-го МШП;

DR – максимально допустимое расстояние перевозки коконов;

m – индекс марки кокономотального станка;

a – индекс ассортимента шелка-сырца;

W_{lma} – выработка шелка-сырца *a*-го ассортимента на *m* станках на *l*-м МШП;

RS_{lma} – расход сырья (кг) на выработку 1 кг шелка-сырца *a*-го ассортимента на *l*-м МШП;

P_{lma} – производительность *m*-го станка при выработке шелка-сырца *a*-го ассортимента на *l*-м МШП;

ST_{lm} – количество станков *m*-го вида на *l*-м МШП в заправке;

VR_{lm} – объем расширения (уменьшения) мощностей МШП;

RP_l – разность между поставкой и потребностью в сырье *l*-м МШП;

NS_l – наличие сырья на МШП;

ZTP_{lma} – затраты труда на производство 1 кг шелка-сырца;

R_l – наличие рабочей силы на *l*-м МШП.

Модель задачи можно представить в следующей линейной форме:

$$F=\sum\sum ZT_{pl}X_{pl}+\sum_{m}\sum_{a}\sum_{l} ZP_{pl}W_{lma}\rightarrow min$$

Минимизируем функционал *F* при выполнении следующих ограничивающих условий по:

- объему коконов, перевозимых из баз ПОК к МШП

$$\sum X_{pl}\geq VS_p$$

- расстоянию перевозки коконов от баз ПОК к МШП

$$\frac{r_{pl}}{KS_{pl}}X_{pl}\leq DR$$

- поставке и использованию сырья

$$\sum_{p} X_{pl} - \sum_{i=1}^{g}\sum_{j=1}^{h} W_{lma} RS_{lma} = 0$$

- использованию мощностей МШП

$$\sum_{j=1}^{h} \frac{W_{lma}}{P_{lma}} + VR_{lm} = ST_{lm}$$

- использованию сырья на МШП

$$\sum_{j=1}^{h} RS_{lma} W_{lma} + RP_{l} = NS_{l}$$

- использованию труда

$$\sum_{j=1}^{g} ZTP_{lma} W_{lma} \le R_{lm}$$

- производству шелка-сырца

$$\sum_{j=1}^{g} W_{lma} \ge 0$$

Условие неотрицательности переменных – $X_{lma} \ge 0$; $W_{lma} \ge 0$; $RP_{lma} \ge 0$; $VR_{lm} \ge 0$.

Для реализации данной экономико-математической модели требуются следующие данные:

- объем сухих коконов на каждой базе ПОК;
- расстояние перевозки от базы ПОК до МШП;
- количество сухих коконов, поставляемых определенному предприятию с базы ПОК;
- максимально допустимое расстояние перевозки коконов;
- расход сырья на производство одного кг шелка-сырца на каждом МШП по каждому ассортименту шелка-сырца на каждом виде станков;
- производительность всех станков при выработке определенного ассортимента шелка-сырца на МШП;
- количество станко-часов в заправке по видам станков на каждом МШП;
- поставка сырья по маркам станков на каждом МШП;
- затраты труда на производство одного кг шелка-сырца по ассортиментам, маркам станка на каждом МШП;
- затраты на транспортировку 1 т коконов от каждой базы ПОК до каждого МШП;
- затраты на производство шелка-сырца по ассортиментам, маркам станка на каждом МШП.

Реализация экономико-математической модели позволяет определить минимальные затраты на перевозку коконов и производство шелка-сырца, что является важным в условиях рыночной экономики.

Во всех случаях МШП целесообразно размещать на базе отдельных коконосушилок.

Важное значение для эффективной деятельности МШП имеет подготовка кадров высокой квалификации с учетом новой производственной структуры, требований внутреннего и внешнего рынков.

Расширение сети малых шелковых предприятий целесообразно проводить в Ферганской долине, Джизакской, Самаркандской, Бухарской, Кашкадарьинской, Сурхандарьинской и Хорезмской областях, т.е. на территории районов, расположенных по историческому Великому шелковому пути, на базе создания новых плантаций шелковицы, реконструкции и модернизации действующих и, соответственно, увеличения производства шелковых коконов.


Осуществление этих мероприятий, особенно строительство МШП, оснащенных современным технологическим оборудованием, даст возможность производства конкурентоспособной продукции и ее экспорта. Это в свою очередь способствует решению комплексных проблем обеспечения использования богатого исторического опыта по шелководству, производству натурального шелка и выпуску традиционных изделий из него для удовлетворения рынка, а также обеспечения занятости населения.

Шахрух МАДЖИДОВ,
ассистент кафедры «Бухгалтерский учет и аудит» Ташкентского института текстильной и легкой промышленности, к.э.н.
Бехзод ХАКИМОВ,
магистрант Ташкентского института текстильной и легкой промышленности.

[1] Каримов И.А. «Наш путь – углубление демократических реформ и последовательное продолжение модернизации страны». Доклад на торжественном собрании, посвященном 19-летию Конституции Республики Узбекистан. – Ташкент: «Правда Востока», 13 декабря 2011 года.

[2] Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-1474 «О государственной программе «Год малого бизнеса и частного предпринимательства» от 07.02.2011 г.

Государственное регулирование инновационных процессов и основные принципы реализации инновационной политики региона в условиях глобализации экономики



Создание в республике национальной инновационной системы (НИС) и формирование условий для роста значимости науки и инноваций в отечественной экономике, при всей сложности и масштабности данной задачи, являются важнейшей целью стратегии развития регионов республики.

Именно поэтому на современном этапе необходима выработка приоритетов и перспектив развития региональной научно-инновационной политики как важной составной части государственной инновационной политики.

Основой эффективного функционирования региональной научно-инновационной политики является налаженный организационно-экономический механизм государственного регулирования инновационных процессов в регионе, формирование которого в настоящее время идет по пути сохранения и укрепления научного и инновационного потенциалов, создания основных элементов инновационной инфраструктуры, разработки программ и проектов научно-инновационной политики.

Вместе с тем многие ученые-экономисты и специалисты однозначно определяют, что рост конкурентоспособности, в том числе региональных экономик, возможен в первую очередь на основе научно-инновационного развития. Одними из основных направлений стратегии развития Республики Узбекистан на современном этапе признаны модернизация экономики и технико-технологическое перевооружение производства. Этот курс нацеливает все отрасли национальной экономики и регионов на технико-экономический уровень производства, достигнутый наиболее развитыми странами, что предполагает совершенствование структуры производства, достижение соответствующего качества продукции и услуг при рациональном уровне текущих затрат на производство. Основным способом реализации этой задачи принят переход экономики республики на инновационный путь развития.

В своей книге «Мировой финансово-экономический кризис, пути и меры по его преодолению в условиях Узбекистана» Президент Республики Узбекистан И. Каримов особое внимание обратил на то обстоятельство, что «…при реализации принятой Антикризисной программы важное значение имеет поиск дополнительных стимулов для обеспечения максимальной заинтересованности каждого субъекта нашей экономики с тем, чтобы выполнение программы стало его важнейшим делом» [1, с. 31].

Регионы республики как субъекты экономики также ответственны за решение ключевых задач по предотвращению и нейтрализации последствий мирового фи-

нансово-экономического кризиса. В регионах страны сосредоточен огромный научно-производственный потенциал, который должен активно включиться в процесс системных реформ и модернизации страны. Для этого необходимо перевести экономику регионов на инновационный путь развития.

В настоящее время в регионах республики разрабатываются региональные инновационные программы по различным направлениям. Однако при реализации на практике данных программ возникает ряд проблем. Как показывает зарубежный опыт, региональные инновационные системы являются весьма эффективным инструментом территориального развития. С учетом местных условий для каждого региона и территории требуются индивидуальные подходы к решению проблем инновационного развития и соответственно разработке стратегии комплексного инновационного развития. При этом в каждом регионе должны быть созданы региональные инновационные системы на основании разработанной стратегии комплексного инновационного развития территории.

Формирование и реализация инновационных программ и стратегий являются в современных условиях важным условием успешного развития национальной экономики страны и её регионов. Проблема выработки действенных инструментов формирования инновационной региональной стратегии приобретает особую актуальность в современных условиях.

Особую роль в развитии инновационных процессов играет государственная политика. Основной ее целью в области инноваций является обеспечение положительных сдвигов в национальной экономике за счет прироста ВВП и улучшения социально-экономической среды. Осуществляемая в стране государственная политика по отношению к инновационной модели развития позволяет решать следующие проблемы: повышение конкурентоспособности национальной промышленности на внешних и внутренних рынках; рациональное использование факторов производства; адаптация производства к структурным и циклическим кризисам; развитие науки и образования; охрана окружающей среды, повышение благосостояния населения.

Для республики развитие инновационных технологий имеет все предпосылки стать важным фактором социально-экономического, промышленного и технологического развития. Переход Узбекистана на новый этап развития, связанный с модернизацией экономики, возможен только при качественном преобразовании производственного потенциала страны, основой которого является широкое внедрение и распространение научно-технических достижений. По данным Госкомстата РУз, в научно-техническом комплексе Узбекистана на сегодняшний день занято 30,1 тыс. человек. В данной сфере функционируют 382 организации, выполняющие научные исследования и разработки. Исследования в республике проводятся по приоритетным направлениям физико-математических, технических, химико-биологических, медицинских, сельскохозяйственных и других наук.

Как отмечал Президент И. А. Каримов в своём докладе на заседании Кабинета Министров, посвященном основным итогам 2011 года и приоритетам социально-экономического развития на 2012 год, «В истекшем году большое внимание уделялось проведению активной инвестиционной политики, направленной на ускорение модернизации, технического перевооружения действующих и создание новых, современных, высокотехнологических производств.

В 2011 году были освоены капитальные вложения за счет всех источников финансирования на сумму свыше 10,8 миллиарда долларов, что на 11,2 процента больше, чем в 2010 году. Доля инвестиций ВВП составила 23,9 процента, что свидетельствует о высокой активности инвестиционного процесса в стране» [2, с. 2]. Вместе с тем производственный потенциал промышленности республики и его регионов в большей части остается физически изношенным и морально устаревшим. На современном этапе в республике ведется активная политика по модернизации технологических основ производств, однако не удалось снизить уровень износа основных средств, который в целом по экономике страны увеличился с 29,3% в 2001 г. до 41,2% в 2006 г. [3, с. 80–83].

В общем объёме выполненных в республике научно-исследовательских работ более 86,0 составляют прикладные исследования и около 14,0% приходится на фундаментальные работы.

Инновационная деятельность в Узбекистане хотя и имеет положительную динамику, и её потенциал растёт, однако ориентация этого потенциала на внедрение научно-технических разработок в производство еще недостаточна. Уровень её развития в полной мере не отвечает темпам проводимых в стране экономических реформ. Наукоёмкость ВВП в 2–2,5 раза ниже, чем в развитых странах. Основной причиной такого состояния является недостаточность собственных средств предприятий, организаций и привлекаемых инвестиций.

В отраслях промышленности все еще низким (6–8%) остается объем производства наукоемких видов продукции, определяющей технический и технологический уровень современного производства.

Решение проблем модернизации возможно через реализацию преимуществ Узбекистана, таких как высокий уровень образования и квалификации населения, наличие научно-производственной инфраструктуры. Для того чтобы рыночные механизмы сыграли свою

положительную роль в создании, тиражировании и использовании научно-технических достижений, они должны быть дополнены активной государственной политикой.

Сегодня проводимая правительством страны инновационная политика нацелена на создание мощных рычагов, с помощью которых можно преодолеть проблемы в экономике, обеспечить ее дальнейшую реструктуризацию и модернизацию, а это – дорога к насыщению внутреннего рынка разнообразной конкурентоспособной продукцией. Задача заключается в построении в Республике Узбекистан национальной инновационной системы (НИС), способной решать задачи перевооружения целой совокупности промышленных производств. Тем самым становится возможным формирование нового производства, превратив его в особый инструмент расслаивания огромной совокупности разных производств на зоны и точки, готовые к принципиальному перевооружению, а затем в инструмент преобразования этих производств на основе новой технологической продукции. При этом следует отметить, что создаваемая промышленная инновационная система республики помимо создания технологических элементов для разных отраслей промышленности должна производить конкретный продукт, пользующийся спросом и приносящий прибыль.

НИС предполагает самое непосредственное взаимодействие общественных и государственных институтов, образовательных учреждений и бизнес-сообществ в проведении общей долгосрочной стратегии развития. Как известно, определяющую роль в функционировании НИС играет государство, которое определяет правила функционирования и взаимодействия участников инновационного процесса через формирование нормативно-правовой среды. В НИС входят собственно субъекты инновационной деятельности – организации и физические лица, участвующие в создании и продвижении инновационного продукта, и объекты инфраструктуры – организации, способствующие осуществлению инновационной деятельности.



В целях направления национальной инновационной системы на модернизацию национальной экономики на основе внедрения инновационных технологий необходимо осуществить следующие мероприятия [4, с. 172–173]:

